

65

В74

Мубин Вохидов

ХАЁТИМ  
МАЗМУНИ

63  
B -74

Мубин Вохидов



**ХАЁТИМ  
МАЗМУНИ**

*“Бухоро” нашиёти - 2011*

БИБЛИОТЕКА  
БУХОРО И ЛП  
114477

**Воҳидов М.М. Ҳаётин мазмуни** (Меъморчилик-қурилиш илмига бағишенгандан ҳаёт йўли). “Бухоро” нашриёти, 2011 йил, 152 бет.

**Масъул муҳаррир:**

физика-математика фанлари доктори,  
профессор **Исмоил Сафаров**

**Тақризчилар:**

педагогика фанлари доктори, профессор **Сиддиқ Каҳҳоров**  
(Бухоро давлат университети)  
техника фанлари номзоди, доцент **Хошим Рузиев**  
(Бухоро юкори технологиялар мұхандислик-техник институты)

Уишибу китобда Бухоро воҳасидан етишиб чиққан архитектура-қурилиш соҳасида биринчи фан доктори, профессор Мубин Воҳидов ҳаётининг қисқача мазмуни берилган. Олимнинг ёшлик ишлари, илмий - педагогик фаолияти, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасидаги хизматлари, яратган илмий ва илмий - услубий ишлари, бинокорлик амалийтига берган тавсиялари, нашр этилган дарслик, ўқув қўлланма, монография ва рисолалари, шогирдлари, фаолиятига тегишили матбуот материаллари, ҳаёт ва меҳнат фаолиятдаги асосий санаатлар түргрисида маълумотлар келтирилган.

Мазкур китоб таалаба - ёшларга, архитектура - қурилиш соҳасининг мутахассисларига, кенг китобхонлар оммасига мұлжаласланган.

## КАМОЛОТ ИЧРА КҮЗГУ

Бұхоро юқори технологиялар мұжандислик - техник институтини "Бинолар ва ишшооттар қурилиши" кафедрасы мудири, техника фаннари доктори, профессор Мубин Воҳидовнинг тавасалыд топганига 60 йил, мәжнат фиолиятига 45 йил, илмий-педагогик фаолиятига 35 йил тұлды.

Мубин Воҳидов 1982 йылда Москва шаҳрида Бетон ва темирбетон илмий-тәдқиқот институтыда "Термостойкость бетона в условиях сухого жаркого климата и технологические факторы её определяющие" мавзусида номзодлик диссертациясini ҳимоя қылған. 1985 йылда унға доценттик үнвони берілген. 1995 йылда Тошкент архитектура - қурилиш институтыда "Основы термо-морозостойкости бетона в районах с сухим жарким климатом" мавзусида докторлық диссертациясini ҳимоя қылған. 1997 йылда Олий аттестация комиссияси томонидан профессор илмий үнвонига тасдиқланған.

Вилюяттинг ижтимоий - иқтисодий ривожланишига құшған ҳиссаси, ислоҳоттарни амалға оширишдаги фәол иштироки, тағаба ёштарни барқамол инсон бұлғыб етишиштари йүлидаги самарағы фиолияти, малакати кадрларни тайёрлаш йүлида узоқ шылар фидокорона мәжнати учун халқ депутаттары Бұхоро вилюят кенгашы. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маңсус таътиим вазирлиги ҳамда институт раҳбарияты томонидан бир неча марта фахрий ёрлықтар билан мукофотланған.

Илмий излаништарыда Ўзбекистон Республикасынинг ҳудудий қуруқ иссиқ иқтим шароиттарини бинолар ва ишшооттарга, темирбетон конструкциятарга ҳақиқий таъсирини ҳисобға олуучи бетоннинг иссиқ-совуққа чидамшыл мезонини яратған. Ушбу мезоннинг таърифини беріб, унинг мөжияттіні очған. Илмий-тәдқиқот ишларыда иссиқ-совуққа чидамшыл мезонининг бетон структурасы, хоссалары ва узоқ мұддатта чидамшылғыға үтесеңгір эканлыгини назарий ҳамда экспериментал үйлар билан ишботтаған. Яңғы мезон бүйічә қурилиш конструкцияларынинг мұстаҳкамлігінің үзілешінде мұддатта чидамшылғын ошириш имконияттіні берады. Материалынан және энергия ресурсларынан тәжійіділік самарағы ечимлар иштаб чиққан. Ишининг патижатары "Қурилиш мейерлары ва қоидалары" (-Бетон ва

төмөрбетон конструкциялар. КМК 2.03.01-96. - Зич силикат бетондан бетон ва төмөрбетон конструкциялар. КМК 2.03.02-96.) кириштігандан ва амалдаётта құлланыб келинмоқда. Мамлакаттимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондаё ва Фарғона вилоятларида реконструкция қилиши ва мұканын тағмирланиши учун мұлжалаланған 60 дан ортиқ йирик бинолар ва иншооттарни, мұхым қуришии объекттерни техник ҳолатини үрганиб ва таҳлил қылыш, мұхым техник хулюсалар берған.

Ілмий ва ілмий - услугий изланишлари натижасыда мамлакаттимиз ва чет эл нашрларыда жәми 250 дан зиёд ілмий ва ілмий-услубий ишлари чоп этилған. Булар жумласыга олий таъсими мұассасалары ва касб-хунар коллежлари талабалари ва үқувчилари учун нашр этилған 3 та дарслик, 11 та үқув құлланма, 8 та монография, 6 та рисола, 2 та муаллифлік гувоҳномасы ва ихтироочылық патентлари, 60 дан зиёд үқув – услугий құлланмалар ва 150 дан ортиқ ілмий мақолаларни көлтириши мүмкін. Үткін йили Мубин Воҳидовнинг олий үқув юртларининг талабалари учун ёзған 3 жиғіттан иборат бўлган «Меъморчилик» дарсликтари “Тафаккур” нашириётіда чоп этилди.

У жонкуяр ва меҳрибон мұраббийлардан бўлиб, юқори малакати ілмий-педагогик кадрлар тайёрлаш масаласыга алоҳида әзтибор береб келади. Айни вақтда олим раҳбарлигыда 1 киши докторлик, 2 киши номзодлик, 4 киши магистрлик диссертацияларини бажаришиноқда. Унинг бевосита ілмий раҳбарлиги ва маслағатчилигида 4 нафар киши номзодлик, 20 нафар ёшлар магистрлик диссертацияларини, 400 дан ортиқ талабалар диплом лойиҳалари ва битириув малакавий ишларини ҳимоя қылғанлар. Улар сафида ишлаб чиқарыш шегорлари, йирик ва кичик корхоналар раҳбарлари бор.

Профессор Мубин Воҳидов ўз хизмат вазифаларига викжданан, масъулият билан ёndoшади. У раҳбарлик қылаёттеган битириувчи кафедра масъул бўлган “Бинолар ва иншооттар қуришиши” бакалавриат таъсими йұнаташы ҳамда “Қуришии конструкциялари, бинолар ва иншооттар қуришиши” магистратура мутахассислиги биринчилардан бўлиб юқори курсатчиликтар билан Давлат аттестациясидан ўтди. Бу эса кафедра билан корхоналар ва мұассасалар ўртасидаги корпоратив ҳамкорликнинг ҳамда үқув

жараёни билан фан, ишлаб чиқариш ўртасида интеграциянинг яхши йўлга қўйилганлиги натижасидир.

Ўқув жараёнини ташкил этиши, ўқув режсалари ва фан дастурларини бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши, уларни яратиш ва таомиллаштириши, амалиётга кенг тадбиқ этишда ҳам Мубин Воҳидовнинг хизматлари катта. Юқорида кўрсатилган таълим йўналиши ва мутахассисликлари учун ўқув режсаларини ишлаб чиқиши, Архитектура, Саноат бинолари, Мураккаб шароитларда қуриш асослари, Нефт ва газ саноати иншоотлари қурилиши асослари фанларининг дастурларини яратиш, уларни дарслеклар, ўқув қўлланма ҳамда ўқув-услубий кўрсатчалар билан таъминлаш борасида катта ишларни бажариб, жонкуярлик кўрсатди.

Профессор Мубин Воҳидов яхши ташкилотчи ҳамдир. Кафедра, факултет ҳамда институтнинг моддий-техника базасини яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириши ва кукаламлаштириши йўлида салмоқти ишларни бажариб келмоқда. Унинг ташаббуси ва бевосити раҳбарлигига кафедранинг умумий майдони 300 кв.м.дан ортик бўлган ўкув-тажриба биноси қурилган. Барпо этилган бинода Қурилиш материаллари, Қурилиш конструкциялари, Метрология, Муҳандислик геодезияси, Грунтлар механикаси сингари лабораториялар ташкил этилган ва жиҳозланган. Бетонлар гелиотехнологияси ва узоқ муддатга чидамлилиги лабораториясини ташкил этидики, у ерда докторлик, бир неча номзодлик ва магистрлик диссертациялари ҳамда кўплиаб бўтирув малакавий ишлари бажарилиб келинмоқда. Унинг бевосита ташаббуси ва ташкилотчилигига 20 та оила учун коттежлар қурилиши амалга оширилган. Айни вақтда у ерда институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ўз оиласлари билан истиқомат қилишади.

Мұаммоларни чуқур таҳлил этиши ва улар бўйича мантиқий түрги ечим қабул қилиши ҳам унга хос фазијат.

Профессор Мубин Воҳидов мамлакатимизда ва чет элда танилган етук олимлардан. Тошкент темир йўл муҳандислари институтидаги номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси учун ташкил этилган ихтинослаштирилган кенгаш аъзоси сифатида фаолият юритиб, мамлакатимизда юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшиб

кељмоқда. Бухоро вилоят ҳокимлигидә архитектура ва қуришиш бўйича ташкил этилган доимий комиссиянинг аъзоси сифатида қуришиш корхоналарининг ишини яхшилаш, мұхандис-техник ходимларнинг мағлакасини оширишида ҳам унинг хизмати катта. Архитектура бўйича «Келажак овози» танлови хакамлар ҳайъатининг раҳбари сифатида ижодкор ёшларни аниқлаш ишларида ҳам фаол қатнашиб келаётир. Ўқув жараёнини таомиллаштириш ва ёш мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш масалалари бўйича касб-ҳунар коллеҗларига амалий ёрдан кўрсатаётир. Узоқ йиллардан бўён институт илмий кенгашининг аъзоси. Архитектура-қуришиш соҳаси бўйича мағлакатимизда етакчи бўлган Тошкент архитектура-қуришиш институти ўқув-методик кенгашининг аъзоси сифатида олий техник таълимни ривожлантириш ва мағлакали мұхандис кадрлар тайёрлаш жараённада фаол иштирок этиб келмоқда.

Профессор Мубин Мұминович Вөзидовнинг ҳаёт мазмунини фарзандларимизга, тараба ёшларга ибрат мактаби, камолот ичра кузгу нисбатини берсак ҳеч муболага бўлмайди.

Мұхсин Ҳожиев,  
институт ректори,  
техника факулти доктори, профессор

## МУҚАДДИМА

Мен буюк ва мұқадdas мамлакатнинг фарзандиман. Үзбекистон - улугвор архитектура ёдгорликлари билан жағонни лол қолдирған ва 2750 йиллиги халқаро мікёсда нишонлаган *Самарқанд*, шарқнинг мөймөрий мұжизалари маскани ҳисобланыб, 2500 йыллик байрами үтказилған *Бухоро* (1997 йил 19 октябрда Пойи Калон архитектуравий ансамбидаги театрлашған байрам тантаналарыда қатнашиш менга ҳам насиб этған), яратылғаглигига 2500 йил бұлған, сервикор иншоотларга бой *Хива ва Термиз*, тамал тоши құйилғаниға 2700 йил бұлған *Шаҳрисабз*, 2200 йиллиги кенг нишонланған бетакрор ва гүзәл пойтахтимиз *Тошкент* сингари күплаб шаҳарларға эга. Унинг Андижону Кораколпок, Фарғонаю Навоий, Наманганды Сирдарё, Жizzах каби гүзәл воҳаларию, сұлым гүшалари бор.

Үзбекистонимиз жаннатмонаңдидир.

Гүзәл табиатли.



Жаннатмакон юртимдан бир лаөхә

Бу юртнинг азамат тоғлари, тошқин дарёлари, олтинга тенг далалари, асрий саҳролари, мевали боғлари дунёни ҳайратга солиб келади.

Еости ва ерусти бойликлари кўп. Нефть - газ, нодир металлар, олтину кумуш каби қимматбахо тошлар, пахта, пилла, ғалла, коракул териларга бой.

*Амир Темур, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Марғононий, Имол Ал Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхалиқ Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Имол Ал Мотурудий, Жалолиддин Мангуберди* сингари улуг зотлар ўзбек элида дунё юзини кўрган ва тарбияланган.

Бухоро Узбекистоннинг ҳақиқий гавхари. Пайгамбаримиз Бухорони «Фоҳира» деб атаганлар. Араб тилида «Фоҳира» илм – тафаккур булоги, нур чашмаси деганидир. Бухорода етишиб чиқкан олим ва фозиллар номлари жамланса бир неча китоб бўлади. Шу боис, Бухорони илму ҳикмат кони, илохий маърифат нури таралиб турган мукаддас замин деб билганлар. Х асрда Бухорода 120 та мадрасас бўлиб, уларда 5000 дан ортиқ толиби илмлар таҳсил олганлар. «Бухоройи Шариф», «Қуббатиг ислом» унвони билан шарафланган.



Бухоро мадрасаларидан бирининг умумий қўриниши  
(Мири Араб мадрасаси)

Бухоро қадимги ва мъеморий жиҳатдан бекиёс шаҳарлардан биридир. Бухоро зардуштийлар даврида Бухор - «Илмлар маркази» сифатида машхур бўлған. ЮНЕСКО томонидан Жаҳон маданият мероси хазинасига киритилган. Бухоро замини *Абу Наср ибн Мұхаммад Фаробий*, *Абу Али ибн Сино*, *Абдулло Жафар Рӯдакий*, *Имом ал Бухорий*, *Баҳоуддин Нақшбанд* сингари буюк алломалару. жаҳонга машхур улуг зотларга бешик бўлган.

Бухоро Марказий Осиёдаги «Буюк ипак йули»да жойлашган ва жаҳон маданиятида, тарихида ўзига хос киёфаси, маданий мерос объектлари, архитектура ёдгорликлари билан ажralиб турадиган энг қадимиш шаҳарлардан бири. Бухоро шаҳри осмон остидаги очик музей, тирик китоб. Икки ярим минг йилдан кўпроқ вакт ичидан яратилган яхлит архитектура ансамбллари Бухоро мъеморчилик мактабининг кудратидан далолат беради.



Бухоро мъеморчилик мактаби асарларидан начунा  
(Иsmoил Somoniий мақбарасининг умуний кўриниши)

Истиклол йилларида Бухоро янада обод бўлди, унинг тарихий чиройига – чирой кўшилди, юртимиз ўзининг янгича тараккиёт йўлига кирди. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда:

“... Бухоронинг ҳар карич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иктидори ва яратувчанлик салохиятидан, юксак тараккиёт, илму-маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнаки йўлидан дарак беради...”



*Бухоронинг замонавий ишоотларидан бири  
(Маданий марказдаги театр биноси)*

Ана шундай юрга дунёга келганимдан, Бухоро фарзанди, Ўзбекистон дилбанди бўлганлигимдан гуурланиб яшайман.

## 1. АВЛОДЛАР КАРВОНИ

Мен 1951 йил 3 августда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида туғилганман. Усталар, Аробасозон, Шукур хожи номлари билан юритиладиган кишлогимиз туман марказидан, аниқроқ килиб айтадиган бўлсам, Зарафшон дарёси устида курилган Чорикулбой кўпригидан ярим чакиримлик масофали гарб томонда жойлашган.

Оддий дехкон оиласида таваллуд топганман.

Юртимнинг гўзал табиати, инчинун, асрий саҳролар тафти, азamat тоғлари викори, минг бир гиёҳ ва зироатларнинг хуш бўйлари, боғлардаги қушларнинг ўзига хос наволари мени тарбиялади, илҳом берди, илму-ижод килишга ўргатди. Кучимга – куч, гайратимга - гайрат кўшди.

### *Бобом ва отам ҳақида*

*Отам* Ромитан туманида, Усталар қишлоғида түғилганлар. Исмлари *Мўмин* эди. (1918 – 20.06.1988) У киши *Кори Жўра* номи билан элга танилган *бобомнинг ягона фарзанди бўлган*.

*Отам  
Мўмин Воҳидов  
(1980)*



Хушвазлиги билан элга танилиб, Бухоро шаҳрида истиқомат килган 94 ёшли *Нуриэл Бенъяминовнинг* (Аллоҳ раҳмат килсин) 1992 йилда укам *Насридин* билан бўлган сұхбатидан иктибос келтираман:

– Бобонг қори Жўрани яқиндан билачан. У киши Бухородаги *Мири Араб* мадрасасида мударрислик қитар эди. Шу билан бирга, жуда шимли киши бўлганлиги учун Болоҳовузда мартабати меҳмонларни қабул қилиши маросимларида қатнашарди ва турли хил масалаларни ҳал этиши жараёнларида нуфузли кишилар ёнида бўларди. Тонгда Бухоро минарасига чиқиб “Аzon” айтганида, соҳир овозлари кўнгилларни эритиб юборарди...

*Бобом* 28 ёшда, отамнинг болалик чоғларида оламдан ўтган эканлар. Вафот этиши олдидан, бувимга ва амма бувимга карата:



Богомизда; чапсан үнсугга: Насриодин, Лутфия, Ширин ақам, Нұриодин үзли Нодир билан,  
отаң, Занияра, Гүлбахор келіншім, рафикал Сурайә, олдода үгілін Махкам, отаң, орқада мен, Ҳарро  
келиншім, Ҳатын төзған, орқасыда ақалнинг қызы Мерзи, баҳриодин үзаки, Латифат отаң,  
Мұхиддин үзаки, Ширин ақалнинг үзли Амон және Қызы Малілакат (1983 йыл)

*“Агар фарзандим Мұмин үсіб үлгайса, бола-чақалык бұлса, унинг биринчи фарзандига Қуръоннинг “Есін” сұрасида етти марта тиңга олинадиган сұз - Мұбин деб исм құйингілар” деб васият күлгән эканлар. Демак, исим бобомерос.*

*Бувимнинг исмлари Пұлат бұлиб, маҳалла вакиласи сифатида фаолият юритардилар. У киши 1989 йили 85 ёшларидан оламдан үтдилар. Бувим невараларига жуда ҳам меҳрибон әдилар.*

*Отам иккинчи жағон уруши қатиашчиси, бир иecha давлат мукофотлари билан тақдирланғанлар. Отамнинг сүяклари далада котган Ромитаннинг миришкор дәхқонларидан бұлган.*

### *Онам ҳақида*

*Онам Шарофат Мұмінова ҳам кишлоғимизда таваллуд топғанлар. (1918 – 16.06.2000) У кишининг отағари Ҳакимбой ўртахол дәхқон бұлган.*

*Болалык үйларым эслайман оз-оз  
Босиқ үйқу ичра ётғанда одам.  
Тонгтар құлогымға келарди овоз:  
“Faflatda ётмагыл, әрқатой болам”.  
У жажжы баҳорнинг шұх саси әди,  
У мұнис онамнинг нафаси әди.*

*Йиғлар үтди, бир оз улгайдик, бу күн,  
Ватан хизматига бир қадар дастёр.  
Олам ташвишидан юракда тұлқин,  
Ватан құдратидан қалбда ғурур бор.  
Энди сен чорласанг, токи танда жон,  
Лаббай деяждакиан, Ватан, Онажон.*

*Абдулла Орипов*

*Онамнинг айтишлари бүйіча, Ҳаким бобом келиб чиқишлиарига құра “урғанжи” бұлган. Ҳаким бобом үз ерига, үз мұлкига зға инсонлардан хисобланған. Она бувим Ҳамида Ромитан тұманида бой-бадавлат оиласа дунёга келган. Үйда бола тарбияси билан*

шүгүлланган. У кишининг “Үрин пахта” номи билан машхур тогалари бўлган.

“Үрин пахтанинг” ўғли Адиз Сафаров (1906 –2008) сухбат пайтида шундай деган эди:

“... Отам чет элга пахта сотиш билан шүгүлланган. Юртнинг бой-бадавлат кишиларидан бўлган...”.

Онам меҳрибон, қалби ниҳоятда пок, барча оналар каби меҳнаткаш эдилар. Донгдор пиллакор бўлганликларини тумандошларимиз яхши эслашади. Мехнатда эришган ютуклари учун онам катор орденлар, медаллар, давлат мукофотлари билан такдирланганлар.



Онам Шарофат Мўминова (1980 йил)

*Кўп изладим,  
Топмадим, эвоҳ!  
Сен дунеда, билсан, ягона,  
Осмон гувоҳ,  
Замин ҳам гувоҳ, -  
Ўхшамайсан ҳеч кимга, ОНА!*

*Ғулом Шомурод*



Океланың дәурасы (1988 йыл). Чемекиң үйсөз: синесин үлгінде, қындағы бола уттың үзін Улан, оғындағы Нироқ, отам Патербай.  
Насрілдин үзілдіншінде үздір үйгөндөни Мансуда, Нұриевдін үзілдіншінде Гүлбахар, Нұриевдін үзілдіншінде Үлкен, үздір  
үйгөндөни Сүрәт, оғындағы кантта үзін Марсам, қаның үзін Ақбай, отам: Құлапарда Насрілдин үзілдіншінде үзін  
Сабировдан, Нұриевдін үзілдіншінде Нодир, отам, Мұхамеддин үзілдіншінде Айн, Шыртан ақсан, Халықар кешін аты, үзілдіншінде Құлнұза  
Насрілдин үзілдіншінде қызы - Мансуда. Мұхамеддин үзілдіншінде Гүлбахар, Мұхамеддин үзілдіншінде Насрілдин үзілдіншінде Мұжідадан.



*Бизлар ўсган қишлоқдаги ҳовлиниң гарб томондан умумий күрниши (ұнғда турар жой, тұғрида дарвозалар, ошхона ва тандирхона, чапда турар жойлар)*

Она бобомнинг яна бир киз ва бир үгил фарзанди бұлған. Тогамнинг исмлари Ҳалим. У киши ва Зайнаб келин аям серфарзанд оила бошлиғидирлар. Уларнинг Салим, Ражаб, Азим, Жума, Султон, Сураймон, Малика, Мавлуда исмлі үғил-қыздары бор.

Биз ойлада жами тұққызы нафар фарзандымиз:

*Шириң акам, Раҳмат акам, раҳматлы Латофат опам, мен, Мухиддин, Нуриддин, Насриддин* укаларим, *Лутфия* синглим хамда *Баҳриддин* укам.

*Шириң* акам, саккыз фарзанднинг (Аскар, Фарҳод, Ахрор, Фаҳриддин, Амон, Мұхіба, Мамлакат ва Мөхри) отаси. У кишининг түрмуш үртоги Ҳамро келинәям онамга тоға бұлған усто Тошбобонинг кизи.

Акам ҳарбий хизматдан кайтгач, мактабда меҳнат таълимидан дарс беріб юрди. Кейинчалик эса Бухоро давлат педагогика институтини тарих факультетини битказиб, тарих фани үқитувчиси бўлиб ишлади. Айни пайтда нафақада бұлған Шириң акам катта савобли ишга кўл урганлар. Қишлоғимиздаги “Бобойи Ҳиндувон” қабристонининг теварак-атрофини кўклам, янада обод ва кўркам килиш ишлари билан машгулдирлар.

Қабристон атрофини металл панжара билан үраб олиш ташаббуси 1987 йилда каминадан чиккан. Ободонлаштириш ишларида Мухиддин ва Нуриддин укаларимнинг хизматлари катта.

Шунингдек, бу ишда отам, акам, бошка укаларим, жиянларим. Икром дүстим ва бошқалар фаол иштирок этган эдилар. У қабристонда менинг якинларим – Ҳаким бобом, она бувим, отам, онам, қайнотам, қайнонам, бошка авлодларимиз ва якинларимиз дағн этилган.



*Ширин акам үзлари обод этган қабристон олдидағи бөгдә  
(9.05.2011)*

*У түпроқдан яраганы рост,  
Оловида қүёш тоблаган.  
Бұлолмагай үнга жүр овоз,  
Шу түпроқдан юзин төвлаган.*

*Яшөлмайды түпроқдан айру,  
Жон ришиласи түпроқта болғық.  
Түпроқдан у излайды ёғду,  
Орзуси ҳам түпроқдай бұлық.*

*Түпроқ үнга мангу эш күшиқ,  
Қош-китрикда олиб юради.  
Юрагида поён билас ишк,  
Заминни тинч түтиб тұради.*

*Самандар Вөхидов*

*Ширин акамни устозим деб ҳам хисоблайман, чунки, у киши үз вактида мени касбга йұналтиришга, танлаган мутахассилигимга бұлған мемримни янада оширишга үз хиссасини құшган. Мактабда устачилик дарсларыда, дарсдан ташқары вактларда сабок берган.*

*Рахмат* акам 1940 йил 6 февралда туғилған. Тошкент политехника институтиниг киме факультетини ноорганик моддалар технологияси мутахассислиги бүйіча тугатғач, Навоий химия комбинатига ишга келғанлар. Оддий смена мастерлигидан,

комбинат бош муҳандиси мувонини, “Навойиазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш бошлиги, касаба уюшмаси раиси, бош директор маслаҳатчиси лавозимларида ишлаганлар. У киши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими. Айни вактда нафакадалар.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, мен ана шу акамнинг ўкишларига ҳам ҳавас қилганман. Тошкент шахрига ўкишга боришимда шу холатнинг ҳам таъсири бўлган. Фан йўлидаги фаолиятимда ҳам Раҳмат акамнинг ҳиссалари йўқ эмас. Акамнинг турмуш ўртоғлари *Марҳамат* келин аям Тошкент вилоятининг Кибрай туманидан. Ботаника санаторияси ёнидаги Байтқўргон аҳоли пунктидан. У киши *Абдуҳаким* деган таникли отахоннинг кизи. Раҳмат акамнинг *Алишер*, *Шуҳрат* ва *Лобар* исмли З ажойиб фарзанди бўлиб, уларнинг барчаси олий маълумотлидир.



*Ака-уқатар Тошкенттада. Чандан ўнгга: Мухиддин уқам, Марҳамат келинаям, Раҳмат акам ва мен (1979 йил)*



*Ақа-уқатар қишлоқдагы бөгөн (9.05.2011)*

*Латофат опамнинг умри (1941-2009) қишлоқда мөхнат килиб үтди. У кишининг Мақсад, Құхаббат, Мунира, Зулхумор, Үгитой, Гулистан, Эркин, Зулғизар, Зулғия ва Рамишо исмли фарзандлари бор. Эркин менинг шогирдим. У мұхандис-курувчи бўлиб, вилоятимизда кўпгина бинолар ва иншоотлар барпо этишда ўз хиссасини кўшиб келмоқда.*

*Мен оиланинг тўртинчи фарзанди. Аввал эътироф этганимдек, турт нафар укам ва битта синглім бор.*

*Оиласизда юристлар сардори укам Мухиддин 1953 йил 24 майда туғилган, Олий маълумотли юрист, прократура ходимиdir. У 1980 йилда Тошкент давлат университетининг ҳуқук-шунослик факультетини битиргач, дастлаб Когон шаҳар, кейинчалик Бухоро шаҳар ва вилоят прократурасида хизмат килди. 1993-1998 йилларда Олот тумани прокурори лавозимида ишлади. Ҳозирги кунда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси сифатида фаолият юритмоқда. Унинг умр йўлдоши Ҳалима Қўшаева болалар шифокори. Ромитан тумани марказий поликлиникасида болалар бўлимнинг мудираси, давлат мукофотига сазовор бўлган. Укамнинг икки нафар ўғли ва бир нафар кизи бор. Катта ўғли Азиз Мўминов (24.05.1983) Тошкент*

давлат юридик институтини 2004 йил битирган, олий маълумотли юрист. Ҳозирги куида Навоий вилоят прократураси ҳузуридаги солик депортаментида бўлим бошлиғи вазифасида ишлади. Келини *Нигора* врач-стоматолог. Уларинг *Мирафзой* исмли ўғли бор. Кизи *Ниғуфар* иктисад йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассис. Бухоро давлат университетини иктисиёт йўналиши бўйича ўқиб тугатган. Куёви *Анвар* агросуғурта жамияти раҳбари. Уларнинг *Рухшона*, *Мироншоҳ* ва *Жаҳонғир* исмли фарзандлари бор. Кичик ўғли *Алишер* 2011 йилда Тошкент давлат юридик институтини тугатди. Унинг рафикаси *Ситора* фармоцевт.

*Нуриддин укам* 1955 йил 10 апрелда туғилган. Тошкент кишлок хўжалик институтини битирган. У олий маълумотли олим - агроном, кишлок хўжалик соҳаси ходими. Хўжаликда участка агрономи, бош агроном, бошқарув ранси вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлади.



*Оиласиз давраси. Чапдан ўнгга: синегим Лутфия, қўлида ўғли Умид, олдида қизи Ирода, Латофат опам, Мавжуда келиним, олдида Нуриддиннинг қизи Нигора, Гулбаҳор келиним, Нуриддин укам, унинг олдида қизим Умид, умр йўлдошим Сурайё, олдида катта ўғлим Маҳкам, ундан кейин мен ва кичик ўғлим Акбар (1988 йил)*

Айни вактда у Бухоро вилоят кишлок ва сув бошқармасида пахтачилик бўйича етакчи мутахассис сифатида

фаолият юритмоқда. Умр йўлдоши *Гулбаҳор Ёдгорова* хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шугулланади. Уларнинг бир нафар ўғли ва икки нафар кизи бор. Фарзандлари юридик ва тиббиёт соҳалари бўйича олий маълумотли мутахассислардир. *Ўғли Нодир Мўминов* (4.05.1982) Тошкент давлат юридик институтини 2003 йилда битирган. Ҳозирги вактда Бухоро шаҳар ички ишлар тергов бўлимидаги бўлинма бошлиги вазифасида ишлайди. Келини *Мушарраф* болалар шифокори. Уларнинг *Жавохир* ва *Шоҳжоҳон* исмли ўғиллари бор. Укамнинг катта кизи *Нигора* Тошкент педиатрия институтида ўқиган. У болалар шифокори. Куёви *Зокир* врач-травматолог. Уларнинг *Дилнура* исмли кизи бор. Кичик кизи *Гулчеҳра* Тошкент давлат юридик институтини 2010 йилда битирган, ҳозирги вактда Бухоро шаҳрида *ФДХЁда* ишлайди. Унинг турмуш ўртоғи *Садриддин* хуқуқшунос, вилоят адлия бошқармасида ишлайди.

*Насридин укаи* 1957 йил 30 марта туғилган. У 1980 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битиргач, Ромитан туман газетасида иш бошлаган. Кейинчалик «Ромитаннома» туман газетасида мухаррир, бош мухаррир, Бухоро вилоят давлат солик бошқармасида матбуот маркази бошлиги лавозимларида ишлаган. Насридин ҳозирги вактда хусусий тадбиркорлик билан шугулланади. Унинг умр йўлдоши *Мавжуда Остонова* Тошкент халқ ҳўжалик институтини битирган. У анча вакт савдо тизимида ишлаган. Ҳозирги вактда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шугулланади. Уларнинг икки нафар ўғли ва бир нафар кизи бор. Катта ўғли *Садриддин* (10.06.1985) Тошкент молия институтини тугатган. Тадбиркор. Кизи *Мавзуна менежмент* йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассис. Куёви *Хуршид* хусусий тадбиркор. Уларнинг *Лазизбек* исмли ўғли бор. Кичик ўғли *Зайниддин* Бухоро шаҳридаги 1-академик лицейда таълим олмоқда.

*Лутфия сингли* 1959 йил 13 апрелда туғилан булиб, кишлоғимизда фермер ҳўжалиги раҳбари. Умр йўлдоши *Қўрбон Саъдуллаев* бош ошпаз. Уларнинг икки нафар кизи ва бир нафар ўғли бор. Кизи *Ирода* Тошкент педиатрия институтини битказган. У болалар шифокори. Айни вактда Бухоро давлат тиббиёт институти Болалар пропедевтикаси кафедрасининг асистенти. *Ўртанчиси ўғил*. Умид *Саъдуллаев* (14.04.1987) Тошкент давлат

юридик институтини 2008 йилда тугатгач, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги конун хужжатлари мониторинги институтида директор референти бўлиб ишлади. Айни вактда Вобкент туманида прокуратура хузуридаги солик департаментида хизмат килмоқда. Кичиги Юлдуз Кумуш исмли кизининг тарбияси билан машғул.



*Оиласиз давраси. Чапдан ўнгга: Онаи, Мухиддин укамнинг ўғли Азиз, Ширин ақам, у кишини қўлида Насридиннинг қизи – Мавзуна, Ҳамро келинайи, Ҳалима келиним. Мухитдин укам қизи Низуфар билан, Баҳридин укам ва Мұхаббат келиним (1988 йил)*

Энг кичик укам **Баҳридин** 1961 йил 27 декабрда туғилган. 1984 йилда Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини битиргач, Ромитан туманида нотариус. Когон шахар судининг судяси, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг судяси лавозимларида ишлади. Ҳозирги вактда адвокат. Умр йўлдоши **Мұхаббат** Тошкент педагогика институтини битирган бўлиб, ҳозирги вактда болалар боғчаси мудираси вазифасида ишламоқда. Уларнинг тўрт нафар кизи бор. **Мұхайё** ва **Муқаддас** Мұміновалар олий маълумотли иктисодчи. Куёвлари **Шерали** ва **Феруз** ҳам иктисодчи. Муқаддас ва Ферузларнинг **Камола** исмли



*Дастурхон атрофида*



*Укаларим фарзандлари билан*

жажжи кизи бор. Гулҳаё Бухоро шаҳрида 1-сон академик лицейда таълим олмокда. Кичик кизи Шарофат мактаб ўқувчисидир.

Хуллас, авлодлар карвони ана шундан иборат. Менинг ўкишга ҳавас кўйишимга, фанга кизикишимга, меъморчилик – курилиш илмининг чўккисини эгаллашимга, техника фанлари доктори, профессор илмий даража ва унвонларига эришишимга авлодлар карвонининг ҳам ўз ўрни борлигини зътироф этаман. Айникса, бу ишда отамнинг, онамнинг ва ака-укаларимнинг хиссалари катта.

## 2. ТАҚДИР ИНЬОМИ

Тақдир туфайли 1977 йил 4 августда Ўрта Осиё медицина-педиатрия институтини эндиғина битказиб келган киз *Сурайёга* уйланганман. Сурайё Файзуллаевна Ҳасанова 1954 йил 14 апрелда Бухоро туманида (Хайработча аҳоли пунктида, ҳозир бу жой Вобкент тумани худудиги киради) таваллуд топган. У кишига бу исмни Ҳалима опаси кўйган. Минг шукурлар бўлсинки, оила курганимга ҳам 34 йил тўлиб қолди.

Ҳаётда Сурайёни учратишимига адабиёт фани муаллимамиз, Бухоро шаҳридан келиб бизга сабок берган *Музайям Полвонова*, қолаверса, тақдир сабабчи бўлган. Ромитан тумани марказидаги 1-мактабнинг 9 «в» синфида синфком эдим. Ўқишим жараённида ташаббус килиб, адабиёт фанидан битта ўзига хос умумий дафтар очгандим. Дафтаримнинг ҳар бир бетига адабиёт китобидан битта улуғ шоир ёки ёзувчининг ижодий фаолиятини акс эттирувчи маълумотларни тўплаб, уларни турли рангларда ёзib чикканлигим хали эсимда. Дафтар бетининг юкорисига шоирларнинг расмини чизгандим.

Ушбу дафтарим муаллимам Музайям опага маъқул тушди. У киши кунлардан бирида мени чакириб:

—...6-«б» синф раҳбаринан. Агар улар ҳам ана ўндан дафтар тутшиса, билимлари яна ҳам ошарди. Бу ташаббусине ўқувчиларнинг ўзлашибишига ижобий таъсир қылган бўлар эди. Шунинг учун сенга битта топшириқ бўлади. Катта танаффусда дафтарингни 6-«б» синфдагилар ўқийдиган хонанинг кириши эшиги олдига олиб келасан. Мен синфком Сурайёга (ўшанда мен унинг кимлигини билмас эдим) сени дафтарингни курсатаман. У бу

*дафтарни кўриб олсин ва синфига ана шундай дафтар ташкил қиласин, - дедилар.*

Хўп дедим. Катта танфусда айтган жойларига дафтаримни олиб бордим. 1967 йилнинг бахор фасли эди. Ҳаво ниҳоятда ёкимли, мусаффо ва илик. Атрофда дараҳтлар гуллаган...

Муаллимамнинг топширикларига кўра, бир неча дакика эшик олдида турдим. Бир оз вактдан кейин бинодан Музайям опа билан бирга ниҳоятда келишган ва гўзал бир киз чикиб келди. Қўзим, колаверса, кўнглим у қизга тушди. Бир кўришда севиб қолдим. Дафтарни кўрсатяпману, лекин хаёлларим бошқа томонда... Қандай килиб дафтарни кўрсатганимни, кейин уни колдирганимни билмайман... Бир неча кундан кейин ўқитувчим дафтарни қайтариб бердилар. Шундай килиб, алабиёт лафтарим - адабиёт сабаб, Сурайёга ишким тушган.

*Сурайёнига ёшлиги  
1972 йил*



*Энди билдим бу қўҳна олам  
Нега бунча гўзат, ёш десам,  
Бу оламда сен бор экансан,  
Эй, қалби нур, эй қоши қалам!!!*

*Шуҳрат*

Гапирай десам, Сурайё ҳали ёшгина киз, эндинга 13 ёшга кирган. Шу - шу Сурайёни мактабда кўриб турадиган бўлдим. Унга гапиришга ботина олмасдим, уни хафа килиб кўйишдан

кўркардим. Баҳор ўтиб, ёз келди, куз ўтиб, киш келди. Орадан йиллар ўтди. Сурайё ишкида, уни узокдан кўриб юравердим. Институтга ўкишга кирдим, ҳарбий хизматга бориб келдим, ўкишимни Бухоро шаҳридан Тошкент шаҳрига - Политехника институтининг Саноат ва фуқаролик курилиши факультетига ўтказдим. У пайтда Сурайё ўрта Осиё медицина педиатрия институтида учинчи курсда ўқир эди.

1973 йилнинг август ойида Сурайёнинг онасини, яъни муаллимам *Ёқут Камаловани* «Ромитан - Бухоро» йуналишидаги автобусида учратиб колдим. Вактида аълочи ўкувчиси бўлганлигим учун у киши мен билан яхши муносабатда эдилар.

- Қайси институтда ўқияпсан, ўғлим- деб, сурадилар.

Жавоб бердим. Сурайёнинг ахволини сурадим. Шу тарзда мен унинг курси ва ўкиётган гурухи аник бўлди. Тошкентга борганимда. Сурайёни кўриб колсам, унга сиз билан учрашганимни албатта, айтаман, дедим.

1973 йил сентябрь ойининг охирларида Сурайёни ўрта Осиё медицина педиатрия институтидан топдим. Тафсилоти куйидагича бўлган. Деканатларидан уларнинг дарслари Юнусободдаги 17 - шаҳар шифохонасида булишини аникладим. Дарс бошланишидан ярим соат олдинрок, ўша ерга бордим. Сурайёнинг дарсга келишини кутдим. Кўзим тинимсиз автобусдан тушадиган кизларда. Анчадан бери уни кўрмаганлим сабабли, мабодо кўриниши ўзгариб колган бўлса, яна танимай колмай, деган фикрлар ҳам йўқ эмас эди. Бекатда туравериб, автобусдан тушаётган ҳар бир кизга ёътибор бериб карайвердим. Аммо у кизларнинг ичиди Сурайё кўринмади. Дарс бошланишига 10 дакикалар колганда, кўккисдан шифохона ҳовлисидан оқ халат кийган Сурайёга ўхшаш бир гузал киз чикиб колди. Ҳа, у киз хақикатан Сурайёнинг ўзи эди.

...Хаяжонланиб кетдим. Қандай килиб гапирсам, нима десам экан деб, ўйланиб колдим. У бекатдаги сотувчидан битта иссик нон олди ва оркасига кайтиб ўста бошлади. Ўзимни кўлга олиб, оркасидан юрдим ва унга етиб олдим.

- Салом, Сурайё!

Киз хайрон.

- Кимсиз?

- Танимадингизми?

- Йўқ?!

- Мактабдошингизман, 6-синфда ўқиятганингизда мен 9-«в» да ўкирдим, адабиёт дафтари... Мубинман... Ширин аканинг укаси...

Хол-ахвол сўрашдик. Шифохона дарвозасидан ховлига кирдик. Бир оз гаплашгач, ҳаяжоним босилди. Мен Сурайёга атиргуллар олдидаги ўриндикни кўрсатиб, шу ерда ўтирайлик, айтадиган гапларим бор дедим. Нима экан деб, рози бўлди. Энди Сурайё мендан шубҳаланмас, онасининг ўкувчиси, онасининг ҳамкасбини укаси эканлигим учун аввалдан танишдек муносабатда эди. Ўриндикка ўтирдик. Сиз каерда ўқийсиз деб суралди. Тўла ишонч ҳосил қиласин деб, чўнтағимдан синов дафтарчамни олиб унга узатдим. Синов дафтарчамни синчковлик билан кўрди. Кўзи ундаги беш баҳоларга тушди (баҳоларимнинг ҳаммаси аъло эди) ва хурсанд бўлди. Озгина жимликдан кейин, нега ўкиш вактида бу ерларда юрибсиз, - деб менга савол берди.

Ишлаб чиқариш амалиётида эканлигимни айтдим.

Ҳакиқатдан, «Кўкча» даҳасидаги шифохона бош биносининг пойдевори куриластган пайтлар, иш бошқарувчининг кўрсатмаси билан соат 14<sup>10</sup> дан бошлаб иккинчи сменада амалиёт ўтардик.

Хуллас, йиллар ўтиб Сурайё билан яна учрашдим, гаплашдим.



Ёшлигиниз ёдимиизда

Журъатни каердан топдим, билмайман. Шу куннинг ўзида, шу пайтгача факат у ва мен билган дил изхоримни, дилгинамнинг изхорларини унга айтдим.

Ўшанда Сурайё уялиб, чопкиллаганича дарсхонасига кириб кетган эди...

Кейин ўкиш, амалиёт баробарида, интиқиб кутиладиган учрашувлар бошланди...

Турмуш куришга хам карор килдик!

Баён этилганидек, 1977 йилнинг 4 августида "ЗАГС"дан ўтдик, 6 августда баҳт тўйимиз бўлди. Шукурким, 35 йилдан буён у билан хамнафасмиз, уч нафар фарзанднинг ота-онасимиз. Тақдир инъом этган Баҳтимдан розиман.



*Бухоро давлат тиббиёт институти Клиник фармакология кафедрасининг катта ўқитувчиси Сурайё Ҳасанова (ўртада) шогирдлари билан*

Умр йулдошим Сурайё Файзуллаевна олий маълумотли болалар шифокори. У дастлаб ўн беш йил давомида Ромитан тумани болалар поликлиникасида, кейин икки йил Бухоро шаҳар болалар поликлиникасида фидокорона меҳнат килди. Бухоро тиббиёт институти очилгандан сўнг, 1993 йилда тажрибали шифокор сифатида институтнинг Болалар пропедевтикаси кафедрасига ишга таклиф килинди. Ушбу кафедрада 5 йилча

фаолият кўрсатди. 1998 йилдан бошлаб эса институтнинг Клиник фармакология кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига ишга ўтказилди. Ҳозир ҳам ўша ерда фаолият юритмоқда.

**Қайнотам Файзулла Ҳасанов** асли жалолободлик ўзбеклардан бўлган. 1908 йилда Масси кишлогида таваллуд топган. Бухоро тумани газетасининг 1959 йил 1 февраль сонида чоп этилган маколадан кискача маълумот келтирамиз: - **Файзулла Ҳасанов 1928-1938 йиллар ёшлар ташкилотида раҳбарлик ишларида. 1939 - 1943 йиллар Гиждувон райони ижроия кўмитасининг раиси, 1943-1944 йиллар Ромитан районининг, 1944-1948 йилларда Шаҳрисабз районининг биринчи раҳбари, 1948 -1950 йиллар Республика олий мактаби тингловчиси, кейин Янгиарқ райони раҳбари, Ромитан район ижроия кўмитасининг раиси, «Шоҳруд» ГЭС қуришиши бошлиги ва 1955 йилдан умрининг охиригача (28.01.1959) Ҳайрабодчада хўжалик бошқаруви раиси вазифаларида ишлаган. У кишининг хизматлари муносиб тақдирланган.**

**Файзулла Ҳасанов  
ва Ёқум Камолова  
(1945 йиллар)**



Қайнотам вафот этган вактда энг кенжা кизи – рафиқам Сурайё беш ёшда бўлган. У меҳрибон онаси ва Ҳалима опаси қўлида ўсган ва тарбия топган.

**Қайнотам Ёқум Камолова** (1914 – 13.08.1987) Ромитан Туманининг Ўтабек кишлогида туғилган. У киши олий маълумотли филолог бўлиб, она тили ва адабиёт муаллими эдилар. Раҳматли қайнотамнинг умри ўқитувчилик билан ўтган.

*Қайнотам* ва қайнонамнинг оиласида тұрт нафар қыз бўлган. Қайнотамнинг катта кизи *Светлана* Ҳасанова (1940 – 2008) Фиждувон туманида туғилган. У киши тұрт нафар фарзанднинг онаси эди; *Гуландом* Тошкент давлат университетининг юридик факультетини битказган. Ҳозир Сирдарё вилоятининг Оқ-олтин туманида адлия тизимида ишлайди. Гуландомнинг учта фарзанди бор. Катта кизи *Гулрух* олий маълумтли филолог, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг сохибаси, “Ассалом, Ўзбекистон” курсатувида сухандон бўлиб ишлайди. Иккинчи фарзанди *Шоҳруҳ* – Тошкент давлат юридик институтида ўқитувчилик қилади. Қайнопамнинг кейинги фарзанди *Гулбаҳор* Нуриддин укамга келин бўлиб тушган. У Ромитан туманида хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шугулланади. Улугбек – олий маълутли маданият ходими эди. *Гулрух* олий маълумотли иктисодчи, иктисод фанлари номзоди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият курилиш академиясини тугатган. Ҳозирги вактда Бухоро юридик ва майший хизмат касб-хунар коллежида директор лавозимида ишламоқда.



*Рафиқамнинг опалари (1.08.1969 йил);  
чапдан ўнгга: Ҳатина, Нафиса*

Рафиқамнинг иккинчи опаси *Ҳалима Ҳасанова* (1944 – 2001) эди. У киши Шаҳрсабзда туғилган. Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Ҳалима опанинг Тошкент шахрига - Муҳаммадамин Тожибоевга турмушга узатишган. Опа пойтахтнинг 115- умумий ўрта таълим мактабида рус тили ва адабиёти фанидан дарс берар эди. У кишининг уч нафар фарзанди бор: *Миробид*, *Озод* ва *Отабек*. Миробид Бухоро технология институтини битирган, муҳандис-технолог. Озод Тошкент шарқшунослик институтини тугатган, арабшунос. Отабек ИИВ академиясида ўқиган.

Кичик опаси *Нафиса Ҳасанова* ҳам Шаҳрсабзда (1946 йилда) туғилган. У киши Самарқанд кооператив институтини битирган, товаршунос. Нафиса опа икки фарзанднинг севимли онаси. Катта ўғли *Навғаҳ Ҳикматов* Бухоро технология институтини битирган, муҳандис-курувчи. Ҳозирги вактда Ички ишлар тизимида ишлайди. Кичик ўғли *Анвар* Бухоро педагогика институтининг тарих факультетини битирди. У ҳам ички ишлар ходими.

Қайнонам Ҷайрат Камолованинг Үтабек кишилогида пири-бадавлат, элу-юрт корига яраб келаётган карнидошлари куп. *Ҳамробой Аҳмедов*, *Ҳикмат Камоловлар* сулоласи шулар жумласидандир.

*Сайёра, Нигора, Истам, Мұҳаббат, Насиба, Тұлқин, Лайло-*ларни тарбиялаб вояга етказган Ҳамробой ҳожи Аҳмедов ва Ҳожар Асадоваларга менинг меҳрим ва хурматим бұлакча. Қолаверса. қадроним Ҳикмат Жұмаев ва у кишининг ўғли Үткір Жұмаевга үшшаган элга танилган яқинларим бор.

Насриддин укам улар билан кудачилигимнзни андачилик ришталари билан янада мустаҳкам боғлади. Қизи *Мавзұна Мұминова* Ҳамро бобонинг Сайёра кизлари ва күёвлари *Аұтам Собировларнинг* фарзанди Ҳүршиидга турмушга чиккан. Уларнинг Лазизбек исмли ўғилчаси бор. Укам Насриддиннинг ўғли *Садриддин* эса Ҳамробой Аҳмедовнинг яна бир қизи *Насиба* ва унинг турмуш ўртоғи *Амиржо Бешимовларнинг* фарзанди *Наргизага* уйланди.



Ҳамробой ҳожи бобо Ахмедов үглим Акбарнинг тўйи олдидан унинг  
бахти учун дуога кўл очмоқдалар (18.10.2009 йил)



Кадрдонларим;  
Ҳикмат Жумаев,  
Истам Ахмедов  
хурсандчилик  
куничизда

*Икки ҳамкасб-  
журналистлар;  
Амирullo Бешимов ва  
Насриддин укам билан  
суҳбатимиз доим  
мароқти кечади  
(2009 йил)*



Рафикам Сурайё Файзуллаевна менинг илм-фан йўлида бўлган интилишимга қанот багишлаган инсонлардандир. Шу ўринда у кишининг орқада туриб, мени қўллаб, кувватлаганлигини, рўзгор юкининг асосий кисмини ўз елкасига олганлигини, кимматли маслаҳатлар бериб турганлигини зътироф этаман ва миннатдорчилик билдираман.

### 3. ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

Оилада икки нафар ўғлимиз ва бир нафар қизимиз бор. *Маҳкам* юридик фанлари номзоди, кейингиси *Акбар* ва *Умид* олий маълумотли юристлар. Минг шукурлар бўлсинки, уларнинг барчаси тарбияли фарзандлар бўлиб етишди, деб ўйлайман.

Мен Тошкентда институтда ўқиб юрган кезларимда машхур ёзувчи Примкул Қодировнинг “Уч илдуз” романини уқиб чиккан эдим. Ушбу романдаги Тошкент давлат университети талабаси

Маҳкам исмли бош қаҳрамоннинг образи менга жуда ҳам маъқул бўлди. Унинг ўкишлари, одоби, Гавҳар исмли талаба киз билан бўлган муносабатларига ҳавасим келар эди. Ўшанда агар Сурайёга уйланиб, ундан ўғил фарзанд кўрсам, исмини албатта, Маҳкам қўяман деб орзу килган эдим. Оллохга минг шукурлар бўлсинки, менинг талабалик орзуларим ушалди. Фарзанд кўрдим. Биринчиси ўғил бўлди. Унинг исмини Маҳкам деб қўйдим.



Умр ўйлдошим Сурайё билан (2005 йил)

Маҳкам 1978 йил 10 сентябрда Бухоро шаҳрида Самонийлар боғи ёнидаги марказий тугрукхонада туғилди. У 1995 йилда Тошкент давлат юридик институтига кириш учун ҳужжат топшириб, тест синовларидан 217,1 балл тўплаб, биринчи ўринни згаллаб ўқишга кирди. 1999 йилда баклавриатни, 2001 йилда эса магистратури имтиёзли дипломлар билан битирди. Маҳкам 2005 йилда академик Ҳожиакбар Раҳмонкулов ва юридик фанлари доктори Бобир Самарходжаев раҳбарликларида «Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг хукукий муаммолари ва такомиллаштириш ўйлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Юридик фанлари нозоди илмий даражасига эга бўлди.

*Түрмүш ўртогим  
Маҳкам ўглим билан  
(Ромистан, 1982 йыл)*



*Рафикам ва ўглим  
билин Москвада  
(аспирантилик даври,  
1980 йыл)*



*Оштам билан Тошкентда (1985 йил)*



*Фарзандларым билан Бухорода (1992) мен, Акбар, Маҳкам,  
Умидга ва умр ийъядошим Сурайё*

У 2001 йилда Узбекистон Республикаси бош прокурорининг йўлланмаси билан Бухоро шаҳар Тукимачилик туман прокурориниг стажер-ёрдамчisi вазифасига ишга юборилди. Сўнгра Файзула Хўжаев туман, Когон шаҳар прокурорларининг ёрдамчisi ва катта ёрдамчisi, вилоят прократураси фукаролик ишлари бўлими прокурори вазифаларида хизмат килди. 2008 йил май ойидан бошлаб Узбекистон Республикаси Бош прократурасида бошкарма прокурори лавозимида ишламоқда.

Яна баҳтиёрманким, “Уч илдиз” романидаги бош қаҳрамон Маҳкамнинг севгилиси Гавҳарга уҳшаган келин килиш баҳтига ҳам мусассар бўлдим. Келиним Гулирухсор тўй вактида Бухоро давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида 5 курсда аъло баҳоларда ўқир эди. Ўғлим Маҳкам билан келиним Гулирухсор ўргасидаги муносабатлар ҳам “Уч илдиз”дагидек бўлиб чиқди.

Келиним Гулирухсор Жумаева 1979 йил 1 июнда Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида туғилган. У зармитанлик бўлиб, Асадовлар ва Жумаевлар сулоласининг мевасидир. Элга танилган инсонларнинг фарзанди. Буваси Қаҳҳор Асадов узоқ йиллар Қизилтепа тумани раҳбарларидан бири булиб ишлаган. Онаси Гулчехра Асадова ўз вактида турмуш ўртоғим Сурайё билан бирга Ўрта Осиё медицина – педиатрия институтида таҳсил кўрган. Ўз туманида соғликни саклаш тизимида шифокор, бўлим мудираси ва поликлиника бош шифокори вазифаларида ишлаган. Отаси Алиёр Жумаев Тошкент ирригация ва кишлок ҳўжалигини механизациялаш институтини битирган. Ирригация корхоналарида мухандис, бош мухандис, бошлиқ, «Аму – Бухоро» машина канали курилиш трестида бош мухандис лавозимларида ишлаган. Ҳозир фермер. Кудаларнинг яна икки ўғил (*Фарруҳ, Шоҳруҳ*) ва бир киз (*Асила*) фарзанди бор. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли.

Келиним 2004 йилда Бухоро давлат тиббиёт институтини даволаш факультетини имтиёзли диплом билан биткazdi. 2004-2006 йилларда Клиник фармакология мутахассислиги бўйича клиник ординатурада ўқиди. Айни пайтда Тошкент тиббиёт академиясининг сўнгти босқич стажер – тадқикотчisi. Профессор Исқандар Мавлонов раҳбарлигига “Гипертония қасаллигида беморларда физиотенц ва биссонпрололни эндотелийга боғлиқ тромбоцитопатияга таъсирини қиёсий баҳолаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимояга тайёрлади.

Катта ўглим Маҳкам ва Гулирухсор келинимнинг бир ўғил ва бир кизи бор. Ўғли 2002 йил 23 декабрда Навоий вилоятининг Бўстон шаҳарчасидаги тутгурхонада дунёга келди. Неварамга, **Ислом** дея, буюк ва мукаддас исмни қўйганмиз.



*Ислом неварамнинг суннат тўйида (23.05.2004) чапдан ўнгга Алиёр Жумаев, Фарруҳ, Қаҳҳор Асадов, Нуридин укам, Ислом неварам мен билан, Маҳкам ва Насридин укам*

**Ислом** дастлаб, Бухоро шаҳридаги 21-мактабга биринчи синфга ўқишга борди. Отасининг Тошкент шаҳрига ишга олиниши муносабати билан, ўқиши 2010 йил 10 январдан бошлаб, Юнусобод туманидаги 5 - мактабга кўчирилди. Ҳозирги вактда Шайхонтохур туманида 42 - мактабда ўқисоқда. Иккинчи неварам киз бўлди. У 2004 йил 12 марта Зармитандаги тутгурхонада дунёга келди. Ҳар тарафлама гўзал киз бўлсин деб, отаси Маҳкам унинг исмини **Назокат** деб атади. Ҳозирги вактда Назокат ҳам акаси билан бир мактабда таълим олаётir.

*Тұнгич неварам  
Исломнинг  
1-мактаби олдида  
(21- мактаб,  
2009 йыл, ноябрь)*



1983 йил 14 майда иккинчи фарзанд күрдик. У Тошкент шаҳри Юнусобод туманида жойлашган «Интерконтинентал» меҳмонхонаси ёнидаги туғруқхонада туғилди. Улуғ инсон бўлиб етишин деб, унга *Акбар* деб исм кўйдим. Акбар ўғлимиз 1999 йилда Тошкент давлат юридик институтига ўқишига кириш учун ҳужжат топшириб, тест натижаларига кўра 208 балл тўплади ва Зўрин билан 1- курсга ўқишига кириш баҳтига мұяссар бўлди. 2003 йилда институтнинг бакалавриатини, 2006 йилда эса магистратурасини имтиёзли дипломлар билан битирди.

Акбар Тошкент давлат юридик институтининг магистратурасини янги тузилган “Истеъод” жамгармаси хисобидан ўқиди.

*Акбар ўзини Японияда Нагоя үниверситетида, курсдошилари ва устоҳолари билан (2004 йил Janрэ)*





Фарзандларимиз  
келажагимиздир



Акбар Тошкент давлат юридик институтининг биринчи курс магистратурасида ўкиб юрган кезларида Япония давлати томонидан зълон килинган танловга қатнашиб, Нагоя университетида ўкиш бўйича давлат грантининг совриндори бўлди. 2004 йилнинг 1 апрелидан 2005 йилнинг 30 марта кадар Нагоя университетида таълим олди. Уни битириб келгач, 2005 йил апрель ойидан бошлаб Тошкент давлат юридик институтида ўкишни яна давом эттирди. 2006 йилда магистратурани имтиёзли диплом билан битирди ва ўша ерда ишга олиб колинди. Август ойидан бошлаб Тошкент давлат юридик институтининг аввал Суд ва прократура, кейин Халқаро хусусий хукук кафедраларида ўқитувчи булиб ишлади. 2010 йил 1 декабрдан бошлаб, ҳозирга кадар Тошкент шахрида жойлашган “ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг компани”сининг бош офисида юридик маслаҳатчи сифатида фаолият юритмоқда. Таникли ёш олим, профессор Сайдулло Гуломов раҳбарлигига “Ўзбекистон Республикасида нанотехнологияларни хукукий тартибга солиш муаммолари” мавзузисида номзодлик диссертациясини химояга тайёрлади.

2009 йил 18 октябрда унинг баҳт тўйи булиб ўтди. Акбар Бухоро давлат университетининг инглиз филологияси таълим йўналиши тўртинчи курс талабаси *Нигора Жумаевага* уйланди. 2010 йилнинг 9 сентябрида у киз кўрди. Неварам Тошкент шахрининг “Кўкча” даҳасидаги туғруқхонада дунёга келди. Акбар раҳматли Ҳалима холосига бўлган меҳри ва чексиз хурмати рамзи сифатда неварамга Ҳалима деб исм қўйди. Неварамни инсонийлик фазилатлари у кишига ўҳшасину, аммо умри ўҳшамасин. Илоҳим, Ҳалимага кўз тегмасин, умри узок бўлсин.



*Акбарнинг бахт тўйида. Рафиқам, мен Улугбек неварам билан,  
Ислом, Назокат, Қалдирғоч невараларими, Акбар, Нигора ва Умида*



*Тошкентда Маҳкамининг ўйида (14.04.2011). Чандан ўнгга: неварам  
Назокат, рафиқам, неварам Ҳалима мениннг бағримида, тўнгич  
неварам Ислом ва ўғлини Маҳкам*

Акбарнинг рафикаси Нигора 1989 йилда Ромитан туманида зиёллилар оиласида таваллуд топган. У 2010 йилда Бухоро давлат университетини аъло баҳоларда тугатди. Отаси *Тўлқин Жумаев* кишлок хўжалик соҳасида олий маълумотли мутахассис. Кўп йиллар Ромитан туманида мутахассислиги бўйича ишлаган. Айни вактда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Онаси *Назокат* ая олий маълумотли филолог. У киши Ромитан туманидаги I-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан ўкувчиларга дарс беради. Акаси *Толмас* Тошкент солик академиясининг талабаси. Укаси Улугбек мактаб ўкувчиси.

*Кизим Умида* 1985 йил 3 июнда Бухоро шаҳридаги вилоят марказий тугруқхонасида туғилди. Ўша куни хушхабарни кайнонамга етказганимдан кейин, у киши менга караб 7 нафар ўғил неварам бор, аммо киз неварам йўқ эди. Туғилган чакалок умидимни рӯёбга чикарди. Аллоҳга шукурки, киз невара кўриш баҳтига ҳам мұяссар бўлдим. Шунинг учун бу неварамнинг исмини Умида дея қўйсам, рози бўлинглар, - дедилар. Биз нафакат рози бўлдик, балким, бундай исмини кизимизга қўйилишидан хурсанд ҳам эдик.



*Қудалар дастурхон атрофидা*

Умида кизим Бухоро шаҳрида ўси. Шаҳардаги 31-мактабда аъло баҳоларда ўқиди. 2001 йилда хужжат топшириб ва тест синовларидан 186 балл тўплаб, давлат гранти асосида Тошкент давлат юридик институтига ўкишга кирди. 2006 йилда институтнинг бакалавриатини аъло баҳоларда битказди. Умр йўлдоши *Алишер* 1982 йил 13 январда таваллуд топган. Алишер Тошкент Молия

институтини Банк аудити мутахассислиги бүйича магистратурасини битирган. Онаси *Шарофат* ая уй бекаси. Укалари *Аҳад* ва *Шуҳрат*, синглиси *Дурдана* олий маълумотли иқтисодчилар.

2004 йил 13 апрелда Умида кизим билан Алишер фарзандлик бўлди. Унга бувиси ва буваси исм кўйишди. Кудалар Тошкентдаги санаторияда бўлганларида, Қалдирғоч исмли бир ажойиб тиббиёт ходимаси уларга карашган экан. У кизга кудаларнинг ҳаваслари келган ва шундай неваралари бўлишини орзу килганлар. Шу боис, улар биринчи неварасига *Қалдирғоч* деб исм кўйдилар. 2006 йил 10 октябрда кизим иккинчи фарзанд кўрди. Уига катта ниятлар билан *Улугбек* дея, исм танладик.



*Турмуш ўртогим ва  
қизим Улугбек неварам  
билин ҳовлиниизда  
(07.2007)*

Хозирги вактда Қалдирғоч умумтаълим мактабида аъло баҳоларда ўқимокда. Улуғбек болалар боғчасида таълим-тарбия оляпти. Умида кизим эса, уларга караш ва таълим-тарбия бериш ишлари билан машғул.



Болаларим даврасида; чапдан ўнгга - Умида, Алишер неварам  
Қайдирғоч билан, мен тұнгич неварам Ислом билан, Ақбар,  
рафиқам ва келиним Гулирухсор неварам Назокат билан  
(31.12. 2005)



Фарзандларим ва невараларим билан (30.03.2011)

Минг шукулар бўлсинки, рафиқам билан бирга бугунги кунда уч нафар ибратли фарзанднинг отаси-онаси ва беш нафар шириншакар неваранчинг бува ва бувиси бўлиш баҳтига эришдик. Улардан умндиниз катта.

Таъкидлаб ўтиш жойизки, илмий тажрибаларни бажаришда, докторлик диссертациямни хужжатлаштиришда фарзандларимни хам жалб этганиман. Бу ишларда улар хам тегишли ёрдам беришган... Шу асосда уларнинг илм-фанга бўлган кизикишларини янада оширишга зришганман.

#### 4. ЁШЛИК ЙИЛЛАРИМ

Бошлангич мактабда ўкиб юрган кезларимизда ўкувчилар «Гунача» журналига обуна бўлар эди. Бир куни журнални вараклаб, унда келтирилган материаллар ва суратлар билан танишиб чикаётган эдим, журнал саҳифаларидан бирида келтирилган чиройли бинонинг суратига кўзим тушди.



*Toishkena шаҳридаги Алишер Навоий театрининг  
умумий кўрининиши*

Унга хавас билан караб колдим. Чиройли бинолар куришни орзу килиб колдим. Ўшанда шундай биноларни мен хам яратадармиканман, деган савол хам туғилди. Мен суратдаги бундай

биноларни журнални варакламагунимча күрмаган здим. Кишлогимизда электр энергияси ҳам йўк, телевизор тұгрисида тасаввурга эга эмасдик.

«Гунча» журнали сахифасида чиройли бинони суратининг кўрган чоғимдан бошлаб, менда месъморчилик ва бинокорлик соҳасига ҳавас уйғонган эди. Хуллас, мени архитектура - курилиш соҳасида мутахассис бўлиб етишишимга матбуот сабабчи бўлган. Дарсдан кейин журнални олиб, уйга келдим. Раҳматли отам ва онамдан буидай биноларни қандай кишилар яратади, деб сураганимда, улар бинокор усталар, дея менга жавоб килганлари кечагидек жисмада. Бундай кишилар бизнинг кишлогимизда ҳам борми? деб сўрасам, албатта, бор, деганлар. Тош бобо, Мустафо бобо, Карим бобо катта усталардан деб жавоб килишган. Кейинчалик, кишлогимизда Ширин акам, Тўра ака, Мурод, Баҳром сингари таникли усталар ҳам етишиб чиқди.

Кишлогимизни гоҳида “Усталар”, гоҳида “Аробасозон” номи билан аталиши ҳам бежиз эмас экан. Вакти замонида кишлогимиз усталари арава ясар эканлар. Шу боис, бу кишлоқ ҳозир ҳам “Аробасозон” деб аталиб келинади. Шунингдек, кишлогимизда касб-хунарли усталар ҳам кўп бўлган экан. Шунинг учун кишлогимиз “Усталар” номи билан ҳам элга танилган. Бироқ, расмий ҳужжатларда кишлогимиз “Шукур ҳожи” номи билан юритилади.

Юкорида номлари келтирилган усталар аксарият “чупкори” уйлар куришган. Бу ишни улар койиллатиб кўйишарди. Уша даврларда бизнинг ҳовлимизда ёки қўшниларникида бирор - бир уй куриладиган бўлса, мен у ерга борар здим. Усталарнинг ишларини диккат билан кузатардим, кези келганда уларга ёрдамлашардим. Ана шундай килиб, бинокорлик сирларини ўрганишга интилганман. Шу тарика менда бинокорлик касбига меҳр пайдо бўлган ва шу йўналишга кизикиб кетганман.

Демокчиманки, агар фарзандларни ўшлигидан бошлаб ўкишга, матбуотга кизиктирсак, таълимга зътиборини янада кучайтирсак, уларни касб ва мутахассислик танлаш масаласи анча осон кечади.

Мен дастлаб Кожедуб номли 4 йиллик бошлангич мактабда, сўнгра Ломоносов номли 8 йиллик мактабда ўқидим. Ундан кейин туман марказидаги 1-урта умумий таълим мактабини аъло баҳоларда битказдим.

Минг шукулар бўлсинки, рафиқам билан бирга бугунги кунда уч нафар ибрат фарзанднинг отаси-онаси ва беш нафар шириншакар неваран Чинг бува ва бувиси бўлиш баҳтига эришдик. Улардан умидимиз катта.

Таъкидлаб ўтиш жойизки, илмий тажрибаларни бажаришда, докторлик диссертациямни ҳужжатлаштиришда фарзандларимни хам жалб этганиман. Бу ишларда улар хам тегишли ёрдам беришган... Шу асосда уларнинг илм-фанга бўлган кизикишларини янада оширишга эришганман.

#### 4. ЁШЛИК ЙИЛЛАРИМ

Бошлангич мактабда ўқиб юрган кезларимизда ўкувчилар «Гунча» журналига обуна бўлар эди. Бир куни журнални вараклаб, унда келтирилган материаллар ва суратлар билан танишиб чиқаётган эдил, журнал сахифаларидан бирида келтирилган чиройли бинонинг суратига кўзим тушди.



Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий театрининг  
умумий кўриниши

Унга хавас билан караб колдим. Чиройли бинолар куришни орзу килиб колдим. Ўшанда шундай биноларни мен хам яратадармиканман. Деган савол хам туғилди. Мен суратдаги бундай

биноларни журнални варакламагунимча кўрмаган эдим. Кишлогимизда электр энергияси ҳам йўк, телевизор тўғрисида тасаввурга эга эмасдик.


«Гунча» журнали сахифасида чиройли бинони суратининг кўрган чоғимдан бошлаб, менда меморчилик ва бинокорлик соҳасига ҳавас уйгонган эди. Хуллас, мени архитектура - курилиш соҳасида мутахассис бўлиб етишишимга матбуот сабабчи бўлган. Дарсдан кейин журнални олиб, уйга келдим. Раҳматли отам ва онамдан бундай биноларни кандай кишилар яратади, деб сўраганимда, улар бинокор усталар, дея менга жавоб килганлари кечагидек эсимда. Бундай кишилар бизнинг кишлогимизда ҳам борми? деб сўрасам, албатта, бор, деганлар. Тош бобо, Мустафо бобо, Карим бобо катта усталардан деб жавоб килишган. Кейинчалик, кишлогимиздан Ширин акам, Тўра ака, Мурод, Баҳром сингари таникли усталар ҳам етишиб чиқди.

Кишлогимизни гоҳида “Усталар”, гоҳида “Аробасозон” номи билан аталиши ҳам бежиз эмас экан. Вакти замонида кишлогимиз усталари арава ясар эканлар. Шу боис, бу кишилек ҳозир ҳам “Аробасозон” деб аталиб келинади. Шунингдек, кишлогимизда касб-хунарли усталар ҳам кўп бўлган экан. Шунинг учун кишлогимиз “Усталар” номи билан ҳам элга танилган. Бирок, расмий ҳужжатларда кишлогимиз “Шукур ҳожи” номи билан юритилади.

Юкорида номлари келтирилган усталар аксарият “чўпкори” уйлар куришган. Бу ишни улар койиллатиб кўйишарди. Уша даврларда бизнинг ҳовлимизда ёки кўшниларникида бирор - бир уй куриладиган бўлса, мен у ерга борар эдим. Усталарнинг ишларини диккат билан кузатардим, кези келгандা уларга ёрдамлашардим. Ана шундай килиб, бинокорлик сирларини ўрганишга интилганман. Шу тарика менда бинокорлик касбига меҳр пайдо бўлган ва шу йўналишга кизикиб кетганман.

Демокчиманки, агар фарзандларни ёшлигидан бошлаб ўкишга, матбуотга кизиктирсак, таълимга зътиборини янада кучайтирсак, уларни касб ва мутахассислик танлаш масаласи анча осон кечади.

Мен дастлаб Кожедуб номли 4 йиллик бошлангич мактабда, сўнгра Ломоносов номли 8 йиллик мактабда ўқидим. Ундан кейин туман марказидаги 1-урта умумий таълим мактабини аъло баҳоларда битказдим.



1968 шаада Ромитан түмани марказындағы I - йүртіл мактабини битеп атқаралад («Знание» сүзинин пасында менине суратталы)

Бошлангич мактабда *Пулат Ахророва ва Аираф Эргашев*, ўрта мактабда *Темир Рузиев, Ёқут Камолова, Тоҳир Файзиев, Ҳоди Ашуроев, Ширин Ҳамроев, Чори Муродов, Гулчечак Гайнулина, Фазолат Сайдова, Музайям Полвонова, Обид Турдиев* сингари билимдон ва моҳир педагоглар менга дарс берганлар, илмга бўлган кизикишимни шакллантиришга хисса кўшганлар.

Ширин акамнинг сўзи:

- Мубин 1968 йилда 10-синфни битиргач, унинг ҳужжатларини Тошкент политехника институтининг Бухоро кечки умумтехника факультетига топширтирдим. У математика (ёзма ва оғзаки), физика, она тили ва адабиёт фанларидан 20 балли тизимда 19 балл тўплаб 1- курсга ўқишга кирди. Бир йил ўқигач ва ишлагач, 1969 йилда институтнинг 2-курсидан ҳарбий хизматга кетди. Аввал Самара шаҳрида, сўнгра Волжский посёлкасида аскарлик бурчини адо этди. 1971 йилда ҳарбий хизматни ташаккуномаглар билан яқунлаб, она-юртимизга қайтди.

Ҳарбий хизмат мен учун ўзига хос мактаб вазифасини бажарди. Рус тилида эркин сўзлашни ва ёзишни ўргандим. Қатъиятли ва иродали бўлдим. Жисмонан бакувват бўлишга эришдим. Турли хил спорт ўйинлари (футбол, волейбол, шахмат, шашка, сенгил атлетика сингари спорт турлари) билан мунтазам шуғулландим.



Аскарлар билан “Волжский ГЭС”ида (мен ўртада, 1970 йил)

Волжский посёлкасида жойлашган харбий қисмда хизмат килиш давримда бир соат олдирик турар эдим. Ёнимиздан оқаётган Волга дарёсининг ирмоги - "Курумуч" дарёси соҳили бўйлаб, арчазор ўрмонда чопишини яхши кўрадим. Спортда тобланиш яхши натижага берди. Самара шахрида ўтказилган югуриш бўйича спорт мусобакаларига қатнашиш ва ғолиблар сафидан ўрин олиш баҳтига ҳам мұяссар бўлдим...

Харбий хизматдан қайтгач, 1971 йил 20 ноябрдан бошлаб, яна Тошкент политехника институтининг Бухородаги кечки факультетида 2 - курсдан бошлаб ўқишини давом эттиришга киришдим. Факультет декани доцент *Мухтор Расматов* ўқишига тикланишдан аввал, ўз қасбимиз бўйича ишга киришимизни талаб қилдилар ва ўзлари менга ўхшаган бир неча собиқ аскарни Навоий курилиш бошқармасининг Бухоро шаҳридаги 5-сон курилиш - монтаж бошқармасига ишга жойлаштирилар. Бизга Бухоро педагогика институти ёнида жойлашган ўша корхонанинг 5 қаватли уйидан яшаш учун жой ҳам берилди. Ушбу ташкилот ўша даврда Бухоро педагогика институтининг бош ўкув биносини, унинг ошхонаси ва ётокхоналарини кураётган эди. У корхонада шувоқчи-бўёқчи бўлиб ишлай бошладим, вактинчалик курувчилар бригадири вазифасини ҳам бажариб, юқорида номлари зикр этилган биноларни барпо этиш жараённида бевосита катнашдим.

Кечки факультеттинг 2-курсини битириб, 3-курсга ўтганимдан сўнг, 1972 йилниңг июнь ойидан бошлаб яна Бухородаги 163 - курилиш трестининг 1-сон курилиш-монтаж бошқармасига уста бўлиб ишга ўтдим. Бухоро ил йигириш комбинати, пиллакашлик, кийим тикиш фабрикалари, турар-жой биноларининг барпо этиш жарённида бевосита иштирок этиб, болаликдаги орзуларим бўлган бунёдкорликнинг сир-асрорларини ўргандим. Бинокорлик касбини пухта эгалладим... Учинчи курсни битирганимдан сўнг, Тошкент шахрига бориб, у ерда ўқишини давом эттиришга қарор қилдим...

#### 4.1. Тошкентдаги талабалик даврим

Тошкент политехника институтининг Бухоро кечки филиалида 3-курсни битириб, 1973 йилниңг июль ойида жуда кўп қийинчиликлар кўриб, Тошкент шахрига, политехника институтининг "Саноат ва фуқаро қурилиши" факультетига, кундузги бўлимга ўқишимни ўтказишга эришдим. Олти йиллик

кечки бўлимнинг уч курсида ўқитиладиган фанларнинг ҳажми беш йиллик кундузги бўлимда ўқитиладиган фанларнинг икки йиллик ҳажмига тенг бўлганлиги сабабли, мени кундузги факультеттинг 3-курсига ўчишга кабул килишиди...

Тошкент шаҳрида таниш - билишларим бўлмаганлиги сабабли. Раҳмат акам «Ботаника» санаторияси ёнидаги Байтурғон аҳоли пунктидан, қайноталарининг уйларидан менга яшаш учун жой топиб бердилар. У ерда турганимда акамнинг қайнукалари Рӯзбой ва Абдумаликлар билан дўстлашиб колдим. Икки ой давомида ўша ердан баъзан автобусда, баъзан поездда Тошкент шаҳрига ўчишга келиб-кетиб юрдим. Бирок, йўлнинг узоклиги ўчишимга бир мунча халакит берди. Шу сабабли, факультеттинг талабалар шахарчасидаги 5-ётокхонасидан жой олишга эришдим. Институтни битиргунимча ўша ерда яшадим.

Ўчишимни Тошкентга кўчирган даврларда, ҳаётий жиддий кийинчиликларга дуч келдим. 1973 йилнинг сентябрь ойидан 1974 йилнинг февраль ойигача стипендиясиз ўчишга тұғри келди. Олдимда стипендиясиз қандай яшаш керак, қандай килиб ўчишни давом эттириш керак, деган муаммолар пайдо бўлди. Факат, иккита йўл борлигини билдим. Биринчиси ўчиш ва дарсдан ташкари вактларда меҳнат килиб маблағ топиш, иккинчиси ўчишни ташлаб кетиш. Мен биринчи йўлдан боришга карор килдим. Ҳар якшанба куни, ҳафтанинг бошка кунлари дарсдан ташкари вактларда «мардикорлар бозори»га чиқдим, иш кидирдим ва ўз кунимни ўзим кўрдим. Якшанба кунлари каттик меҳнат эрталаб соат 7 дан кечқурун 20 гача давом этарди. Мардикорчиликда нима ишларни бажармаганман. Бирорни уйида дехкончилик килсан, иккинчисиникига биноларни таъмирлар эдим, учинчисиникида курилиш ишларини бажарсан, яна бошқасиникида уйидаги печка ва ўчок учун ўтин тайёрлардим...

Барча кийинчиликларга карамай, ўчишни жойига кўйиб ўқидим. Ўқиган давримда фанлардан юритган умумий дафтарларим ҳозир ҳам бор. Вактида улар баъзи курсдошларимнинг дардига малҳам бўлган. Дафтарларимдан тайёрланиб, улар имтиҳонлар топширганлар. Ўша дафтарларимни мен ҳозир ҳам асрраб-авайлаб юраман. Баъзи-баъзида у дафтарларимни вараклаб чикаман. Талабалик йилларим, азиз домлаларим эсимга тушади...

1974 йилнинг январь ойида муддатидан аввал барча фанлардан имтихонларни аъло баҳоларда топширдим. Шундан сўнг баҳорги семестрдан бошлаб аълочилар стипендиясинн (50 сўм) олишга мұяссар бўлдим. Бундай стипендияни олиш менга институтни битиргунимча насиб этди. Стипендия ола бошлаганимдан кейин кўшича маблағ топиш учун “Мардикорлар бозори”га бориш бирмунча камайди. Бозорга факат якшанба кунлари чиқадиган бўлдим. Шундай килиб, ҳар ой олинадиган стипендия миқдори ва ҳалол меҳнат эвазида топилган кўшимча маблағ энди ҳаётий эҳтиёжимни тўла кондирадиган бўлди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, уйдан ота-онамдан ҳам ёрдам бўларди. Аммо бу ёрдам миқдори кўп эмас эди. Ортиқча пул сўрашга ор килардим. Ҳар Тошкентдан келганимда, 30-40 сўм пул беришарди. Билардим, ундан кўпига уларнинг имкониятлари йўқ эди, чунки ўша даврда мен билан яна 5 укамни эплашнинг ўзи бўлмасди-да. Талабалик давримда (1973 – 1976 йилларда) беш нафар укам мактабда ўқир эди.

Билимга бўлган ташналиқ туфайли кейинчалик уч нафар укам ҳам Тошкент шаҳрига ўқишига келди. *Муҳиддин* Тошкент давлат университетининг (ТошДУ) хуқуқшунослик факультетига, *Нуриддин* Тошкент кишлоқ хўжалик институтининг агрономлик факультетига, *Насриддин* ТошДУнинг журналистика факультетига ўқишига кирди. 1975 йилдан бошлаб бир вактнинг ўзида тўрт нафар aka - ука Тошкентдаги олий таълим мұассасаларида таълим олардик. Мен институтни битириб кслганимдан кейин *Баҳриддин* укам ҳам ТошДУнинг хуқуқшунослик факультетига ўқишига кирди ва яна тўрт aka - ука Тошкенда ўқишаарди. Ўша пайтларда оддий бир деҳкон оиласи учун тўрт кишини олий мактабларда ўқитишининг ўзи бўлмаган. Шунинг учун укаларим ҳам менинг талабалик ҳаёт йўлимни танлаганликларидан хабарим бор. Яшаш учун дарслардан буш вактларда ҳалол меҳнат килиб, маблағ топишарди. Кийинчиликларга чидадик, ҳаётдан нолимадик, унга доим шукур килдик. Барча қа-укалар олий ўкув юртларини имтиёзли дипломлар билан тамомлаш баҳтига мұяссар бўлдик.

Ёшларга берадиган маслаҳатим шундан иборатки, ҳаёт кийинчиликларидан ҳеч ҳам кўркмаслик, тушкунликка тушмаслик керак. Доим дадил бўлиб, эзгу- ниятлар, яхши максадлар сари факат

олға юриш даркор. Ана шундай йўл тутилса, аминманки, ёшларимиз кўзлаган максадларига албатта етадилар.

Малакавий амалиётларни ўтишни ҳам самарали ташкил килар эдик. Амалиёт даврида гурухимиз билан "Главташкентстрой"нинг курилиш объектларидан иш олардик. Қизилтепалик *Абдуқаюм Жалилов*, куонлик *Мұхтор Бойтемиров*, ромитанлик *Мажид Жамилов*, чирчиклик *Мавлон Убайдуллаев*, тошкентлик *Султон Улугов*, Ахмад *Абдурахимов*, *Абдулазиз Абдуматиков* сингари гурухдош талабалар бир бўлиб, курилиш объектининг иш юритувчиси билан келишган ҳолда, иш олардик. Амалиёт даврида уни сифатли килиб бажаар өдик. Мехнат якунлари бўйича яхшигина маблағ (80 - 100 сўм) ҳам олишга эришардик.



51-71 Си гурухининг битирувчилари

Ўкиш давридаги малакавий амалиёт объектларимиз Тошкент цирки биноси курилишига, «Кўкча» дахасидаги шифохонанинг бош биноси, Талабалар шаҳарчасидаги ТошДУнинг Маданият саройи курилиш объектларига тўгри келган. Ишлаб чиқариш амалиёти даврларида бетончилик, устачилик, гишт терувчилик, сувокчилик сингари ишларни бажариб, ўкиш билан ишлаб чиқаришни интеграция килар эдик.

Талабалик йилларида кўпгина яқин дўстлар орттиридим. Улар бугунги кунда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш,

юртимизни янада обод қилиш ишларида фидокорона мөннат килмоқдалар. Булар жумласига **Жаҳонгир Исмоилов** ("Бухоронома" газетасининг бош мұхаррири, Ўзбекистонда хизмат күрсатған журналист, "Олтин қалам" Миллій мукофоти голиби), **Валижон Юсупов** (журналист, истеъдодли шоир), **Баҳодир Нигматуллаев** ("Ўзжамоалойха" институти директори, техника фанлари номзоди), **Мухтор Бойтемиров**, **Мажид Жамилов**, **Абдуқаюм Жашлов**, **Нодир Содиқов**, **Баҳодир Косимов**,... сингари дўстларимни келтиришим мумкин. Баъзи дўстларим оламдан ўтган. Ана шундай дўстларимдан бири ажойиб сўз устаси **Жалолиддин Расулов** эди, илоҳим уни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.



*Талабалик дўстларим  
хурсандчилик  
кунларимда; шоир  
Жаҳонгир Исмоилов ва  
Баҳодир Нигматуллаев  
билин  
(2009 йил, 18-октябрь)*

Талабалик... Энг ширин дамлар,  
Тошкент ва Бухоро ораси.  
Кўп меҳрибон эди одамлар,  
Ичидаги кам эди оласи.

Биз китобни ўқиб, укардик,  
Ойдан баланд эди орзулар.  
Курслаш жўраларни согиндим,  
Қайда сиз, синглимдек, охулар?

Талабалик... Тошкент - Бухоро,

Хаётимда сайкал ва оро.

Илк мухаббат, висол онлари,

Калбимни забт этган Сурайё!

Талабалик...Бегубор ёшлик,

Сенга бир зум кайтгим келади.

Илму-фан йўлига чорлаган,

Сенга раҳмат айтгим келади!

#### 4.2. Илмий-тадқиқотчилик ишларининг шаклланиши

Тошкент политехника институтининг Бухоро кечки умумтехника факультетида ўқиганимда физик Юнус Усмонов, тарихчи Маматқул Мустафоев, философ Нодир Шарипов, механиклар Мустафо Муродов ва Кенис Уснатдинов, математиклар Ҳудойберди Мадрахимов ва Саид Абдураҳмонова сингари кўплаб хурматли домлалардан сабок олганман. Улар дарсларда яхши билим берардилар. Аммо, мени биринчи булиб илмий-тадқиқот ишларига жалб этган инсон доцент Юнус Усмонов бўладилар. 1972 йилда у киши менга гурух раҳбари эдилар. Хаётимни илмга томон бурилиб кетишига у кишининг ҳам хиссалари бор.

1972 йили кечки факультетнинг иккинчи курсида ўқиб юрган кезларимда доцент Усмонов раҳбарлигига Бухоро педагогика институтининг Куёш полигонида биноларни иссик сув билан таъминлашда куёш энергиясидан фойдаланиш мавзусида дастлабки тажрибаларни ўтказдим. Ўшанда Куёш полигонида доцент Бурон Очилов раҳбар эдилар; у кишининг раҳбарлигига аспирантларлардан Туроб Жўраев ва Рустам Аҳтамов, талабалардан Салим Шодиев куёш нуридан фойдаланиб тоза ичимлик суви олиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борар эди. Мен ҳам улар билан ҳамнафас бўлиб, кўйилган масала устида экспериментал тадқиқотлар ўтказган эдим. Ишнинг натижалари ёмон бўлмаган. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича илмий макола тайёрладим. уни факультет илмий анжуманида маъруза килдим. Чикишим сифатли ва мазмунли бўлғанлиги учун раҳбарим Юнус ака менга миннатдорчилик билдирганлар. Хуллас, шу тартибда илмий – тадқиқот ишларига меҳрим тушди. Илмга

кизикиб кетдим. Илгари эслатиб ўтилганидек, Тошкент шаҳрига бориб, кундузги бўлимда ўқишни давом эттиришга карор килдим...

Тошкент политехника институтининг *Саноат ва фуқаролик қурилиши факультетида* ўқиганимда техника фанлари доктори, профессор *Ҳусниддин Нуретдинов* ва доцент *Алла Васильевна Ноздрина* Архитектура фанидан, техника фанлари докторлари, профессорлар *Аббос Ашрабов* ва *Олег Тарасов* Темирбетон конструкциялар фанидан, *Ефим Михаилович Новик* Металл конструкциялар фанидан, *Тюкаев Ёғоч* конструкциялар фанидан, техника фанлари доктори, профессор *Тошпӯлат Ширинқулов* Эластиклик ва пластиклик назарияси фанидан, техника фанлари номзоди, доцент *Сайд Маҳмудов* Курилиш механикаси фанидан, профессор *Карим Казакбаев* ва доцент *Рахимов Грунтлар механикаси*, замин ва пойdevорлар фанидан, доцент *Лейдерман Иншоотлар зилзилабардошлиги* фанидан, доцент *Мухтор Ибрағимов* Курилиш ишлаб чиқаришини ташкил килиш фанидан, доцент *Насиба Мухибова* Курилиш ишлаб чиқариш технологияси фанидан *Виалетта Сергеевна Чернухина* Курилиш машиналари фанидан юкори савиядадарс берган эдилар.

Курсдошим Мажид Жамилов: - *Курсдошим Мубин ака барча дарсларга фаол қатнашарди. Курс ишлари ва лойиҳаларини биринчи бўлиб топширади, имтиҳонларга ҳам бирнчи бўлиб кириб, ўтириб тайёрланмасдан аъло баҳо олиб чиқарди. Фанлардан дафтарларини сифатли юритарди, улардан ўқиб баҳо олган курсдошларимизнинг сони ҳам анчагина эди.*

Фанга бўлган кизикишимни сезган Архитектура фани ўқитувчиси доцент *Алла Васильевна* (уша йиллар кафедра мудири) бир куни (1973 йил февраль, 3-курслада) ўз хузурига мени чакириб, сенда илмни ривожлантириш қобилияти бор. Агар рози бўлсанг, сени докторлик диссертацияси устида самарали ишлаётган *Ҳуснитдин Нуретдинов* (уша йиллар кечки курилиш факультети декани) билан танишираман, - деди. Мени аввалроқ бажарган илмий ишларим билан кишиқди. Бухорода бу иш билан шуғулланганлигимни у кишига айтиб бердим. Шунда менинг аввал бажарган илмий изланишларим кафедранинг илмий - тадқикот ишларига - Курук иссик иклимли худудларда фуқаролик биноларини лойиҳалаш масалаларига яқин эканлигини билиб олди. Кафедранинг илмий - тадқикот ишларига *Ҳусниддин* ака бош - қош

эканликларини, у кишига шогирд булиб тушишимни маслаҳат берди. Мен бундай тақлифдан хурсанд бўлдим... Шундан кейин ўқиш билан бирга, илмий-тадқикот ишларига аралашиб кетдим. Ишимни фукаролик биноларининг турли хил рангда пардозланган хоналарида табиий ёритилганликни ўзгариш конуниятларини ўрганишга доир экспериментлар ўтказишдан бошладим...

Талабалик йилларида бажарган илмий - тадқикот ишларимнинг натижалари бўйича нафакат Тошкент политехника институтида булиб ўтган илмий - назарий анжуманларда, балким бошка Республикалардаги конференцияларга ҳам катнашдим. 1975 йилда Баку шахрида Озарбайжон политехника институтида, 1976 йилда Киев шахрида Мухандислик - курилиш институтида (22-29 март) ўтказилган ҳақаро илмий-назарий анжуманларда маъruzалар килдим. Бажарган илмий ишларимнинг долзарблиги ва муҳим аҳамиятга эга эканлиги конференция иштирокчилари томонидан маъкулланди ва уни давом килдириш бўйича менга муҳим маслаҳатлар берилди.



Талабалик йиллари, Шоҳимардонда (1975 йил, 3 август)



*Аълочиларга бериладиган кўкрак нишонининг  
гувоҳномасидан нусха (22.05.1974 йил)*

Битирув амалиёти даврида ҳам илмий-тадқиқот ишлари бўйича изланишлар давом эттирилди. Ана шундай изланишлар Москва шаҳрида ҳам олиб борилди. У срда илмий мавзуга оид материаллар йигилди.

Курсдошим Мухтор Бойтемиров шундай дейди:

- Битирув олди амалиётини 1976 йилнинг февраль ойида Фуқаролик ва саноат бинолари архитектураси кафедрасининг мудири Ҳусниддин Нуретдинов раҳбарлигигида Москва даги «Моспроект №1» лойиҳа-конструktorлик институтидаги ўтгандик. Эсимда бор, институттада лойиҳачилар учун катта заллар бўларди. Унда кўплаб лойиҳачилар ва конструкторлар фаолият кўрсатарди. Амалиёт даврида стажер - лойиҳачи бўлиб ишлашимиз керактигини лойиҳа бош мұжандиси таъкидлаб бизларга жой ажратди. Тегиши топширикларни берди. Биринчи иш кунида Мубин дустимга 12 қаватли турар-жой биносининг пойдеворларини ҳисоблаш ва конструкциялаш вазифаси қўйилди. Унга Заминлар ва пойдеворлар фанига оид бундай масалани ҳал қилиши қийин кечмади. Фани яхши ўзлаштиргантиги туфайти берилган вазифани муддатидан авваироқ ҳал қилди. Сўнгра Москва шаҳрининг дикжатга сазовор биноларини кўришга чиқиб кетди...

Бир ойтк битириув олди амалиёти даврида биз россиялык тажрибали лойиҷачилар ва конструкторлардан анча ишларни ўргандик, лойиҷачилик кўнижасига эга бўлдик. Берилган вазифаларни астойиоди бажариб, тажриба ортиридик. Мубин дўстим итмий ўнналишидаги диплом лойиҷаси учун маълумотлар ҳам тўплади. Март ойида Тошкент шаҳрига қайтиб келдик.

Ўша даврда ҳамма ерда ойнаванд иморатлар барпо этиши амалиёти ривожланни бораётган эди. У ҳам бу ишга қизиқсан эди. Диплом лойиҷасида 300 ўринли талабалар ошхонаси мисолида қуруқ иссиқ икълим шароитида барпо этиладиган ойнаванд иморатларни қуриш ва эксплуатация қилиш масаласини ўрганиб чиқди. Мубин диплом лойиҷасида иссиқ икълими худудларда овқаттаниш зами тўлиқ ойнаванд бўлган биргина бинони қуриш ва эксплуатация қилиш қишида хоналарни иситиши, ёзда уларни салқинлатиши ҳамда бинонинг узоқ муддатга чидамлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда деразаси бўлган гиштин бинодан кўра қимматга тушини асослаб берди. 1976 йилда Ўзбекистон ёшлар рўзномасида унинг итмий - тадқиқот ишларига оид мақола ҳам чиқарилган эди.



Курсдоши дўстим  
Мухтар Бойтемиров  
билин Кўқонда  
(1975 йил, 1-август)

### 4.3. Ҳаётга йўлланма

Ўқиши имтиёзли диплом билан битирганимдан кейин мен йўлланма билан Тошкент политехника институтининг Бухородаги филиалига ишга келдим. Бухорога ишга келишим таксимот комиссияси олдига кирганимдан кейин кутилмаганда ҳал бўлиб қолган.

Ўқиш давримда кафедра мудиримиз Ҳусниддин ака сени кафедрага ишга олиб қоламан, бажараётган илмий-тадқиқот ишларингни давом эттирасан, сўнгра номзодлик диссертациясини ёклайсан, - дерди. Мен ҳам бу таклифга рози эдим. Қолаверса, ўзимнинг шунака ниятим ҳам йўқ эмасди. Ишга таксимот коидасига кўра бу, менга айтилган жой умумий рўйхатда бўлиши керак эди. Чунки ўша даврда талабаларга институтни битирғанлар сонига тенг миқдорда, манзили, ойлик маоши, турар-жойи аник курсатилган ишлар таклиф этиларди. Юборилган жойда уч йил ишлаб бериш мажбурий эди. Биз буни оддий хол деб каардик. Талабалар учун тавсия этилган 160 та иш ўрни билан мен аввалдан танишиб чиқдим. Бирок, иш таксимотига оид осиб қўйилган рўйхатда тадқиқотчиликка ёки аспирантурага тегишли бўлган иш ўринлари йўқ эди. Шу сабабли бошқа иш танлашга тўғри келди...

Талабалик даврида аъло баҳоларда ўқиб, энг кўп балл (4,95 балл) тўплаганим боис 160 иш ўрнидан энг маъқулини танлаш ва комиссия олдига биринчи бўлиб кириш имкониятим бор эди. Хуллас, тақдирга тан бериб, рўйхатга келтирилган жойлардан бирини танладим. “Главташкентстрой”нинг “Отделстрой” трестига “Строймастер” вазифасига ишга боришини ўзимга маъкул кўрдим...

...Таксимот комиссияси иш бошлади ва биринчи булиб мени ўз ҳузурига таклиф этди. Бир неча киши ўтиришарди. Комиссия раиси Тошкент политехника институтининг ўша вактдаги кечки бўлим проректори, доцент Уткир Икромов эди. У киши мендан, таксимот рўйхатидаги ишлар номи ва жойи билан танишдингми, уларнинг ичидан ўзингга маъқулини танладингми, агар танлаган бўлсанг, каерга ишга бормокчисан? - деб сўради. Танлаган “Отделстрой” трестини айтдим. У киши рўйхатни кўздан кечиргач, - маъкул деб розилик билдириди.

Шу пайт кафедра мудиримиз Ҳусниддин ака комиссия раисига карата, менда бир таклиф бор эди. Агар йўқ демасангиз бу йигитни

курилишга эмас, илмга йўналтирсак,- деди ва сўзида давом этди. Унда билим ҳам, қобилият ҳам бор, у келгусида олим бўлади. Мен Мубинни олиб колмокчи эдим. Тадқикотчилик учун битта ўринни келишган ҳам эдик. Бирок, баъзи сабабларга кўра, бу жойни бошкага кафедрага беришди. Имконияти топилса, Мубинни институтга колдириш керак. - деди. Шунда ўткир ака мендан сен каерликсан? - деб сўради. Бухороликман, деб жавоб килдим. Ундай бўлса сени институтнинг Бухородаги филиалига ассистент сифатида ишга йўллаймиз. - деди. Мен бу таклифга рози бўлдим. Хуллас, мен диплом лойиҳасини химоя килиб, имтиёзли диплом олиб, 1976 йилда Тошкент политехника институтининг Бухоро филиалига ишга келиб колдим.

Эслатиб ўтиш жойизки, Бухоро шахида 1958 - 1959 ўкув йилидан бошлаб Тошкент политехника институтининг кечки умумтехника факультети ўз фаолиятини бошлаган. 1972 йилда у Бухоро филиалига айлантирилган. 1977 йилда филиал базасида Бухоро озик-овқат ва енгил саноат технологияси институти (Бухоро ООВаЕСТИ) ташкил этилган эди. Олти факультет ва 29 кафедрадан иборат бўлган бу олий таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПК 1533-сонли карори билан Бухоро юкори технологиялар мухандислик - техник институти деб қайта ташкил этилди. Бугунги кунда институтда 32 таълим йўналиши ва 12 магистратура мутахассислиги бўйича 5500 нафарга якин талаба ёшлар таълим олади, уларга 350 дан ортик профессор-ўқитувчилар таълим – тарбия беради, шу жумладан, 15 нафар фан доктори ва профессорлар.

Шундай килиб, 1976 йилда Тошкент политехника институтининг Бухоро филиалида иш бошладим. Ун беш кун ўтар-утмас талабалар билан бирга Вобкент туманига пахта йигим теримига бордик. Штабимиз бошлиғи доцент Нодир Шарипов мени 50 нафар киз талабага раҳбар этиб тайинлади. У киши жуда хушчакчак, ажойиб инсон эди. Уйланмаганлигимни билиб олиб, чиройли кизлар бригадасига раҳбар этиб тайинлади. Булар ичидан бирортасини танла, баҳтингни топ, - деди. Ҳақиқатда бригадамдаги кизлар бири - биридан гўзал ва хушбичим эди. Аммо аввал баён этилганидек, мени танлаган қизим бор эди. Бу масала тўғрисида юкорида баён этилди...

Бухоро озик-овқат ва енгил саноат технологияси институти ташкил этилгандан кейин, филиалнинг барча профессор-ўқитувчилари каторида мен ҳам 1978 йилдан бошлаб бу институтга ишга ўтказилдим... Илмий-тадқиқот ишларини давом эттириш доимий эътиборимда эди...

## 5. ФАН СҮҚМОҚЛАРИДА

Илмга, фанга бўлган кизикиш мени жаҳоннинг энг йирик фан марказларидан бири Москва шаҳрига аспирантурага етаклади. Факультетимиз декани доцент *Аккакий Багратович Кузановнинг* маслаҳати билан 1978 йилда Москва шаҳрига Давлат курилиш кўмитасининг Бетон ва темирбетон илмий тадқиқот институтини (НИИЖБ) аспирантурасига ўқишга кирдим. Бунинг ўзи бир тарих.

1978 йил июнь ойида НИИЖБдан техника фанлари номзоди, катта илмий ходим *Евгений Наумович Малинский* раҳбарлигидаги олимлар гурухи Сув хўжалиги вазирлигига қарашли “Бухороиқкурилиш” трестида хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот ишларини бажаарди. Домланинг ўзи Тошкент политехника институтининг Бухоро филиалида давлат имтиҳон комиссиясига аъзо ҳам эди. Шунда деканимиз *Аккакий Багратович* у киши билан мени танишитирди ва мен тўғримда ўз фикр-мулоҳазаларини билдири...

Ундан кейин *Евгений Наумович* мени “Бухороиқкурилиш” трестининг марказий курилиш лабораториясида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига жалб этди. Москвага кетиши олдидан, менга илмий - тадқиқот ишлар бўйича аник топшириклар берди... Оғир бетоннинг иссик ва қурук об-хавода қотиш жараёнларига оид экспериментларни июль – сентябрь ойларида тўла бажардим. Мухим илмий натижалар олинди. Натижаларни таҳлил килдим ва тегишли хуносалар чикариб. НИИЖБга, Малинскийга юбордим. Домланинг тавсиясига кўра ана шу ишлар асосида аспирантурага кириш учун реферат тайёрладим. Хужжатларимни институтнинг аспирантура булимига топширдим.

Яшаш учун жой топиш муаммо эди. Москвада таниш - билишларим йўқ. Ушанда ромитанлик Аҳмад Жўраев менга туриш учун жой топиб берган. У киши туфайли мен Карбышев бульваридаги хонадонлардан бирида - *Настя* деган бувининг

үйида вактингчалик яшаб, суткасида 18 соатлаб имтиҳонларга тайёргарлик күргандым. Ҳар күнн имтиҳонларга оид камида 3...4 та китобни синчилаб ўкирдим. Настя буви менга нонуштани, тушлику кечки овкатларн барчасини тайёрлаб берар, ўз фарзанди сингари меҳрибонлик қилас эди...

*Ҳамкасбим Қамбарали Содиков:* - Аспирантурага ўқишига киришида Мубиннинг қобилияти яққол кўринди. 1978 йилги қабул режасаси бўйича НИИЖБга атиги 5 та мақсадли ўрин ажратилган эди. Аспирантурага кириш учун ҳужжат топшириб, дъавогарлик қўлганлар сони 27 кишини ташкил этганди. Географик нуқтаи назардан қараганда, ўқишига кириш учун ҳужжат топширганлар ичизда москвалик, ленинградлик, одессалик, киевлик, озарбайжонлик, қозогистонлик, туркманистонлик, ўзбекистонлик ва бошқа ерлик дъавогарлар бор эди...

Унинг Тошкент политехника институтидага ўқиши даврида олган юқори билимни ва бажарган илмий изланишлари, Бухоро филиалидага дарс бериш жараёнидага ортирган тажрибаси, кириш имтиҳонларига жисдий тайёргарлик кўриши юқори натижаларни қўлга киритишга омил бўлди. Учта имтиҳондан (мутахассислик, тарих ва чет тилларидан) 2 дъавогар 15 баллдан тўплади, булардан бири Мубин, иккинчиси одессалик Игорь Метелицин эди. Ҳар иккагаси ҳам биринчи бўлиб, аспирантурага қабул қилинди.

Аспирантурага кирганимдан чексиз кувондим. Бундай натижага эришиш керак ҳам эди, чунки мени аспирантурага киришимни ссвимли рафиқам, отам, онам, aka - укаларим, дўсту биродарларим, ҳамкасларим, бошқа қавм - қариндошларим, яқинларим, колаверса фаолият юритаётган институтим жамоаси кутиб турарди. Ўша даврда Москва шаҳрида марказий илм даргоҳларида аспирантурада ўқиш фан ахли учун катта фарҳ эди...

Аспирантурага кирганилгим тўғрисида НИИЖБда буйрук чиққач, Қамбарали Содиков билан бирга Москва шаҳри Волгаград тумани Михайлов кўчасининг 34 уйи - аспирантлар ёткxонасида бир хонага жойлашдик. Туар жойимиз институтимизга яқин эди. Суткалаб экспериментларни давом эттириш зарурлиги боис, кечаси ҳам, кундузи ҳам ишлашга кулай ерда эди.

Аспирантлик даврида ана шу ерда истиқомат киlldим ва диссертацияни ҳимояга тайёрладим. Мамлакатнинг турли бурчакларидан келган аспирантлар билан танишиб, ўрток бўлдим,

дүстлашдим. Булар жумласига профессор Ҳусниддин Акрамовни (тошкентлик), профессор Улугбек Фахриддиновни (самарқандлик), доцент Фазлиддин Бадридиновни (фаргонатик), доцент Адҳам Ҳамидовни (наманганлик), доцент Ботир Курбоновни (туркманистанлик), профессор Мухтор Оразбековни (қыргызистонлик), доцент Рустам Усмоновларни (тожикистанлик) келтириш мумкин.

Маблаг масаласига келсак, аспирантлик стипедияси олардим. Ўзбекистон сув хўжалиги вазирлиги билан тузилган хўжалик шартномаси ишларига иштирок этиб, кўшимча маблаг топардим. Тадбиркорлик ишлари билан ҳам шуғулланишга тўғри келарди.

Аспирантлик даврида илмий иш килиш билан бирга жамоа ишларига ҳам фаол иштирок этардик. Меса-чсва ва савзавот омборида кечкурунлари олма тушириш, Москва вилояти далаларида полиз экинларини йигиш, шахарда жамоат тартибини саклаш ишларida иштирок этиш шулар жумласидандир... Ўша ердан туриб онламизга, бола-чакамизга карашиб доимий ёътиборимизда эди. Дам олиш ва ҳар хил маданий тадбирларда иштирок этиш масалалари ҳам эсимиздан чикмаган.

1980 йил 17 сентябрда Москвада, «Колонный зал дома союзов»да ЮНЕСКО томонидан нишонланган буюк олим - юртдошимиз *Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик тантаналарида* иштирок этиш менга насиб этди. Ҳамюртимизга 1000 йилдан кейин Москвада билдирилган жуда катта хурмат ва ёътибор вужудимни титратиб юборди. Бундан фахрланиб, мен ҳам Ибн Синога муносиб юртдош бўлишга харакат килдим.

Аспирантурада ўкиш жараённида менга хизмат кўрсатган фан ва техникада арбоби, собик СССР давлат мукофоти лаурэати, техника фанлари доктори, профессор *Сергей Андреевич Миронов* (1905 йил 27 сентябрда Смоленск шаҳрида туғилганлар; у киши 85 йил яшади) ва техника фанлари номзоди, катта илмий ходим *Евгений Наумович Магинский* (1936 йил 11 июняда Москва шаҳрида туғилган, ҳозирги вақтда Америка Кўшма Штатларининг Сиэтл шаҳрида истикомат килади) илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлдилар. Улардаги софлик, пунктуаллик, инсонларга яхши муносабатда бўлиш, кадрлаш ва гамхурлик килиш каби хислатлар менда чукур из колдирган.



*Илмий раҳбарларим Ромитандада (1980 йыл). Чапдан үнгга: Ислом Икрамов ("Бухороиқўриши" трести бошқарувчisi), Марина Ефимовна ўғлини Маҳкам билан, орқасида турмуши ўргани Евгений Малинский, Зинаида Тёмкина, Олим Ҳамидов, қайнонам Ёқут Камолова, раҳбарим Сергей Миронов, домлани рафиқаси Лидия Александровна, Сурайё ва Фёдорова*

*«Термостойкость бетона в условиях сухого жаркого климата и технологические факторы её определяющие»* номзодлик диссертациям мавзуси тасдиқлангач, экспериментлар ўтказишга тұғри келди. Тажирибалар ўтказиш учун зарур замонавий климатик камералар мавжуд бўлган жой бор эди. У хам бўлса Бетон коррозияси лабораторияси эди. У ерга гаплашишга бордим. Лабораториянинг техник асбоб-ускуна ва жихозлари Владимир Семёнов деган кишининг ихтиёрида экан. У киши билан танишиб, мақсадимни тушунтиридим. Тушунадиган яхши инсон экан, экспериментлар ўтказиш учун менга имконият яратди. "КТК-3000" русумли битта замонавий климатик камера ажратди. Диссертацияга оид тажирибаларимни бир кисмини айнан ана шу климатик камерада бажардим. Шунингдек, экспериментларни бажаришда лабораториямиздан С.А.Высоцкий, И.В.Быкова сингари илмий ходимлар хам менга яқиндан туриб ёрдам берган. Диссертацияни ва унга оид барча материалларни Машинасозлик институти директори котибаси Е.И.Сердюк чоп этиб берган. Улар томонидан күрсатилган

бегараз ёрдамлар ишимни анча илгарила б кетишига хисса күшди.  
Шунинг учун уларнинг барчасидан миннатдорман.

Евгений Малинский илмнинг кенг кирраларини ўрганишимда катта хисса күшди. Экспериментларга тайёргарлик кўриш, ўтказиш, тажрибалардан керакли натижалар олиш, олинган натижаларни тахлил килиш ва умумлаштириш, улар асосида илмий маколалар тайёрлаш, илмий анжуманларда чикиш килиш учун нималарга зътибор бериш, кандай килиб диссертация ёзиш масалалари буйича кимматли маслаҳатлар бериб турди.

Голландия давлатида нашр этилган “Долговечность строительных материалов” номли илмий журналга “Тероморозостойкость бетона в районах с сухим жарким климатом” номли илмий маколани у киши билан бирга тайёрлаш жараёни ҳали-ҳамон эсимда. Маколани тайёрлаш тартиби, унинг мазмунини баён этиш услубини Малинский менга ўргатдилар. Ушбу мукаммал ишланган биринчи йирик макола тайёрлашга 10 кунча вакт кетди. Нихоят, илмий ишимиз ҳалкаро микёсда тан олинди. Янги ташкил этилган “Долговечность строительных материалов” ҳалкаро илмий журналнинг бошида дебоча макола сифатида чоп этилди. Ҳали ҳам мен ҳаётда шу тамойил асосида иш тутаман ва бу тажрибамни доим шогирдларимга ўргатаман.



Номзодлик диссертацияси ҳимояси олдидан  
(Москва, 1.04.1982)

Аспирантлик даврининг иккинчи йилида ёк, номзодлик диссертациясига оид экспериментларни бажариб бўлдим. Олинган илмий натижаларни таҳлил килдим ва умумлаштирудим. Номзодлик диссертациясининг дастлабки вариантини тайёрлаб кўйдим. Етарли даражада илмий маколалар чоп этилди. Учинчىй ийлда диссертация илмий семинарда муҳокамадан ўтди ва муддатидан илгари химоя учун ихтисослаштирилган кенгашга топширилди.

Аспирантлик даврида ҳамкорлик масаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Мен ўз илми билан жаҳонга танилган улуг инсонлар билан танишиш, сұхбатлашиш, уларнинг илмий семинарларига қатнашиш баҳтига мұяссар бўлдим. Уларнинг каторнга техника фанлари докторлари, профессорлар Гвоздев А.А., Миронов С.А., Баженов Ю.М., Горчаков Г.И., Дмитриев С. А., Заседателев И.Б., Иванов Ф.М., Крылов Б.А., Крылов С.М., Лифанов И.И., Малинина Л.А., Милованов Ф.М., Михайлов В.В., Михайлов К.В., Москвин В.М., Некрасов К.Д., Жуков В.В., Патуроев В.В. Подвальный А.М., Соловьянчик А.Р., Серых Р.Л., Степанова В.Ф., Шейкин А.Е. сингари бетон ва темирбетон соҳасидаги фан ва техника арбоблари, қолаверса танлаган илмий соҳамнинг намояндлари номларини келтиришим мүмкин. Уларнинг сұхбатида бўлғашлигимдан ва улардан қимматли маслаҳатлар олганлнгимдан баҳтиёрман. Албатта, бундай учрашувлар ҳаётимда чуқур из колдириди. Кейинги ишларимда ҳам буниинг натижасини доим хис этиб юраман. Ҳозир ҳам у инсонларни номларини катта ҳурмат билан тилга оламан.

## 6. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИМ

Аввал баён этилганидек, меҳнат фаолиятимга 45 йил, илмий педагогик фаолиятимга 35 йил тўлди. Илмий - педагогик фаолиятимни 1976 йилда “Фуқаролик ва саноат бинолари архитектураси” кафедрасида асистент бўлиб ишлашдан бошлаган эдим. Юкорида баён этилганидек, сўнгра аспирантурада таҳсил олдим ва тайёрлаган номзодлик диссертацияни химоя учун муддатидан илгари ихтисослаштирилган кенгашга топширудим. 1982 йил 1 апрелда Москвада НИИЖБ нинг ихтисослаштирилган кенгашида Қўруқ иссиқ иқтим шароитида бетоннинг иссиққа чидамлилиги ва уни аниқловчи технологик омиллар мавзусида

номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Күп үтмай техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлдим.

1985 йилда «Саноат ва фуқаролик бинолари архитектураси кафедраси» бўйича доцент илмий унвонига тасдиқландим. Бўлажак ёш мутахассисларга билим берib, бинокорлик сирларини ўргата бошладим. Иктидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этдим. Қатор шогирдларим етишиб чиқди.

Аспирантурадан кейинги иш фаoliятимни Бухоро технология институтида ўкув бўлими бошлиғи лавозимида ишлашдан бошладим. 1983 йилда “Фуқаролик ва саноат бинолари архитектураси” кафедраси мудирлигига сайландим.

Ўша йиллар кафедрада битта мен техника фанлари номзоди илмий даражасига эга эдим. Курилиш факультети декани доцент Зубайдулло Убайдуллаев ушбу кафедрада 0,5 ҳисса ишласа-да, бирок, у киши иқтисод фанлари номзоди эди. Кафедрада илмга қизиқиши бўлган ёшлар талайгина эди. Ҳошини Рузиев, Шамсиiddин Мирзаев, Мурод Эгамбердиев сингари асистентлар шулар жумласидандир. Ундан ташқари, кафедрада олий ўкув юритида дарс бериш талабларига жавоб бермайдиган кишилар ҳам йўқ эмас эди. Уларнинг малакасини ошириш, агар ўзгариш бўлмаса, уларни иктидорли ёшлар билан алмаштириш вазифаси ҳам турарди.

*6. Моделирование термических напряжений, происходящих в бетоне в условиях аридного климата. «Бухоро» нашриёти, 1996 йил, 56 бет.*

*В работе рассмотрены вопросы физико-математического моделирования температурных напряжений, возникающих в твердеющем и затвердевшем бетоне в условиях сухого жаркого климата. Показаны пути регулирования этих напряжений, значительно*

*влияющих на стойкость бетонных и железобетонных изделий и конструкций.*

7. Технологические основы повышения термо-морозостойкости бетона. Фан нашриёти, 1997 йил, 75 бет.

*В монографии рассмотрены и разработаны технологические приемы, способствующие повышению термо-морозостойкости бетона в районах аридного климата. Показана роль ухода в жаркую сухую погоду и в зимнее время в обеспечении стойкости бетона.*

8. Курук иссик икlim шароитида бетонда ҳосил бўлувчи термик кучланишларни моделлашириш. «Бухоро» нашриёти, 2003 йил, 62 бет.

*Монографияда қуруқ иссиқ икълим шароитида қотувчи ва қотган бетонда ҳосил бўлувчи структуравий кучланишларни физик-математик моделлашириш масалалари ўрганилган. Ушбу шароитда эксплуатация қилинувчи бетон ва темирбетоннинг чидамлилигига қучли таъсир этувчи структуравий термик кучланишларни аниқлаш масалалари ҳал қилинган.*

### *Курилиш меъёрлари ва қондагари*

1. Пособие по гелиотермообработке бетонных и железобетонных изделий с применением покрытий СВИТАП (К СНиП 3.09.01-85). Маркаров Н.А., Рыбасов В.П., Малинский Е.Н. Крылов Б.А. лар билан биргаликда. «Труды НИИЖБ» китобида, Москва, 1987 йил, 83 бет.

2. Зич силикат бетондан бетон ва темирбетон конструкциялар. ҚМК 2.03.02-96. Ҳакимов Ш. А., Кузанов А.Б., Ҳужаев С. ва бошкалар билан биргаликда. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура - курилиш кўмитаси, Тошкент, 1996 йил, 62 бет.

3. Бетон ва темирбетон конструкциялар. ҚМК 2.03.01- 96. Ҳакимов Ш.А., Кузанов А.Б.. Ҳужаев С. ва бошкалар билан биргаликда. Ўз. Республикаси Давлат архитектура ва курилиш кўмитаси, Тошкент, 1998 йил, 211 бет.

### *Муаллифлик гуваҳномаси ва патентлар*

1. Способ определения прочности в конструкции. А.С. N 15335007 от 1.09.89г. Авторские свидетельство. Коршунов Д.А., Лешинский А.М., Малинский Е.Н. билан биргаликда. «Бллютень изобретений», N 48, 1989.

2. Бетонная смесь. Хотамов С.А. ва Норов Ж.М. билан биргаликда. Ўзбекистон Республикасининг дастлабки патенти, 1993 йил, 2март, N 665.

## 7. КАФЕДРА МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бухоро озик-овкат ва енгил саноат технологияси институтин раҳбарияти олдидаги энг муҳим вазифалардан бири олий ўкув юртинин номи билан боғлик бўлган мутахассисликлари ривожини янги пагонага кутариш эди. Шу муносабат билан мен деканлик килаётган "Инженер-техника" факультетининг "Саноат ва фуқаролик қуриши" кафедрасига тегишли бўлган лабораториялар хоналари 1985 йилнин май ойида институтнинг енгил саноат факультети кафедраларига олиб берилди. Окибатда кафедрамиз лаборатория хоналарисиз қолди. Шунда мен факультет декани сифатида институт ректори профессор Нусрат Парпиеевга мурожаат килиб, бош ўкув бино жойлашган худуддан, кафедранинг лаборатория биносини куриш учун ер участкаси ажратиб беришни сўрадим. Бу ташаббусим у кишига маъқул бўлди. Институт худудидан "Саноат ва фуқаролик қуриши" кафедраси лаборатория биносини куриш учун ер майдони ажратилди. Куриладиган бино лойиҳасини ишлаб чиқдик. 1985 йилнинг июль ойида, меҳнат таътили даврида бино пойdevорини қўйдик. Жамоамиз аъзоларининг куч-гайрати билан ноябрь ойига келиб кафедранинг лаборатория биноси куриб битказди. У бинонинг хозирги кўриниши кўйидаги суратда келтирилган.



1985 йилда барпо этилган кафедра  
лабораториялари биносининг умумий кўриниши

~ 128 ~

Ушбу бинода Курилиш материаллари, Курилиш конструкциялари, Муҳандислик геодезияси, Грунтлар механикаси, Метрология ва сифат назорати сингари ўкув лабораториялари ташкил этилди. Унда канчадан-канча талабалар билим олдилар ва олмоқдалар.

Илмий - изланиш ишларини бажариш максадида *Бетон гелиотехнологияси ва узоқ муддатга чидамлитиги* илмий лабораториясини ташкил этилди. Ушбу лабораторияда битта докторлик, тўртта номзодлик диссертациялари ва ўнлаб магистрлик диссертациялари тайёрланди.

## 8. ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРГА ЭЪТИБОР

1989 йилда Бухоро технология институтида 76 нафар профессор – ўқитувчilar ва ходимлар уй жой олиш ва турар-жойларини кенгайтириш учун навбатда турардилар. Ўша даврда мен институтда партком секретари эдим. Бу масалани ҳал килиш вазифаси менинг ҳам зиммамда турарди. Ана шу долзарб ижтимоий муаммони ҳал этиш максадида институт худудида фойдаланилмай келинаётган нообод ерда яна бир катор коттежлар - 10 та икки каватли икки хонадонли индивидуал турар жойлар куриш таклифи билан институт ректори, академик Нусрат Парпиеевга чиқдим.



1977- 1988 йилларда  
институт ректори академик  
Н.А.Парпиеев

Бу ташаббусимни институт ректори ва партком йигилиши маъкуллади. Шундан сўнг ректор, мен ва касаба уюшмаси раиси Исмат Шарипов биргаликда шахар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш масаласини ҳал килувчи Бухоро шахар ижроия комитетининг раиси Убайдулло Носировга мурожаат хати (11.02.1989

~ 129 ~

йил, № 221/25.01) билан чиқдик. У киши ташаббусимизни маъкуллади ва қўллаб-кувватлади.

Галдаги вазифа институтнинг бош лойиҳачиси хисобланга Москвадаги “ГипроВУЗ”нинг ва Бухоро шаҳар архитектра лойиҳалаштириш бошқармасининг руҳсатини олиш эди. Мен янги куриладиган коттежлар жойи кўрсатилган ва месъерий хужжатлар талабларига мос келадиган худуднинг янги бош режасини ишлас чиқдим. Бу даврга келиб институтда ректор вазифасини вактинча профессор *Мустафо Муродов* бажараётган эди. Бу боскичдаги вазифани ҳал этишда у киши ёрдам кўрсатди. Бош режани “ГипроВУЗ”да тасдиклатиш учун институт бош мұхандисини Москва шаҳрига хизмат сафарига юборди. *Рахим Каҳхоров* лойиҳани “ГипроВУЗ”дан тасдиклатиб келди.

Энди Бухоро шаҳар ижроия комитетининг карорини чиқариш учун институт жамоаси умумий йигилишининг карори керак эди. Бу масалани ҳал қилиш кейинги раҳбар даврига тўғри келди. У киши ректорликка сайланмасдан аввалрок, бу масалани ижобий ҳал қилиш жараённида партком йигилишида бир оз қаршилик килган эди. Мен партком секретари сифатида у кишининг олдига кириб, ушбу иш жуда ҳам мухим эканлигини, бу масала у кишидан аввалигина раҳбарлар, колаверса шаҳар ва вилоят раҳбарлари томонларидан ҳам қўллаб-кувватланганлигини ётиғи билан тушунтирдим. Фикрларини ижобий томонга ўзгартиришга эришдим. Институтнинг умумий йигилиши ўтказиладиган бўлди. Жамоанинг умумий йигилиши бўлиб ўтди ва коттежлар куриш бўйича ижобий карор олинди. Шундан сўнг 1989 йил 31 июляда Бухоро шаҳар ижроия комитетининг №356/19 рақамли карори чиқди. 1989 йил 5 августда коттежлар бош режаси Бухоро шаҳар бош архитектори *Махмуд Ахмедов* томонидан тасдикланди.

Тасдикланган бош режа бўйича институт худудида 10 та иккита каватли икки хонадонли индивидуал уй куришга руҳсат берилди. Шундан кейин 20 нафар профессор-ўқитувчига 6 “сотих”дан ер участкалари ажратиб берилди. Биноларни куриш максадида банкдан унинг лойиҳадаги сметасига тенг микдорда имтиёзли кредитлар ҳам ажратилди.

Бухоро шаҳар архитектура - режалаштириш бошқармасида архитектор *Махмуд Сулаймонов* томонидан коттежлар курилишининг архитектура - режавий топшириғи тузилди. Унда кўрсатилган 10 та инженерлик корхоналаридан техник шартлар

имзоланди. Бу ишларига Мухиддин Рашидов (6-коттеж) ва Юсуф Мирхоновлар (8-коттеж) жалб килинди. Улар бу ишни тезкорлик билан амалга оширидилар.



*Барпо этилган каттежлардан ташкил топган күчанинг  
умумий күриниши (1989 - 1992 йилларда қурылған)*



*Барпо этилган коттежлардан бирининг бош фасади*

Шундай килиб, коттежларни лойиҳалаш ва аввалдан бошлаб кўйилган барпо этиш ишлари жонланиб кетди. Аввалрок - 1989 йил июн ойидан бошлаб “Бухороиркурилиш” трестининг бошқарувчиси *Ислом Икрамов* бу ишга ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган эди. У киши коттежлар куриладиган жойни текислаш учун булдозер ажратганди. Август ойнга келиб коттежлар куриладиган жойнинг горизонтал планировкаси амалга оширилиб бўлинган эди. Профессор *Мухтар Раҷнатовнинг* маслаҳатлари билан коттежлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бош пудратчилик вазифаси “Бухорогазсаноаткурилиш” трестига топширилди. Бу ишни ҳал қилиб бериш учун трест бошқарувчиси *Николай Зубовга* битта ер участкаси ажратилди. Кейинги босқичларда у трестнинг курби барча коттежларни бир пайтда куриб беришга етмаслиги аён бўлиб қолди. Бирок, шунга карамай, курилиш материаллари сотиб олишда у трестнинг кўпчиликка ёрдами тегди. Бу ишларда трест курилиш бошқармаси бошлиғи *Сайфулло Хикматовнинг* хизмати ҳам кам бўлмади.

1989 йил сентябрь ойидан бошлаб биноларни барпо этиш ишлари жадаллашиб кетди. Ер участкаларининг згалари қурилиш материаллари келтира бошладилар, усталар топдилар... Тасдикланган бош фасадни саклаган ҳолда, ҳар кимга маъқул вариантда биноларнинг хоналари жойлаштирилди, уйлар тикланди, пардозланди. Барча уйлар электр, газ, сув ва канализация тармоқлари билан таъминланди. Магистрал мұхандислик тармоқлари тортилди, йўллар ўтказилди. Бу ишда Бухоро автомобил йўллари бошқармасининг бошлиғи *Муродилло Абдуллаев* (хозирги кунда у киши “Ўзавтойул” концернининг раиси), Пролстарободдаги газлаштириш корхонасининг раҳбари *Музаффар Нигматуллаев*, Бухоро вилоят электр тармоқлари корхонасининг раҳбари *Яҳши Хожиев*, 163-курилиш трестининг бошлиғи *Насилло Ортиқов* катта хисса кўшидилар. Канализация тармогини ўтказиш масаласини профессор *Шариф Норов* (5-коттеж), Бухоро вилоят капитал курилиш бошқармаси бошлиғи *Мэлс Махнудов* ва курилиш корхонаси бошлиғи *Дилмурод Нуров* ҳал киёдилар.

Ўша даврда яна бир муҳим ишга кўл урилди. Институт худудини мевали ва манзарали дараҳтлар билан кўкаламзорлаштиришни яхшилаш максадида худудга сув келтириш зарур эди. Бу ишларни бошлашда ҳам ташаббускорлик курсатдим. Институт ректорига таклиф билан чиқдим. Таклифим маъқул бўлди... Иш бошланди. Ватанимиз мустакиллигининг дастлабки йилида узунилиги 400 м дан

зиёд бўлган сув лотоклари ўрнатилди. Ушбу ишларни амалга оширишда “Бухороиқурилиш” трестининг бошкарувчиси *Ислам Икрамов* ва трестнинг Ромитан кўчма - механизациялашган колоннаси бошлиги *Toҳир Қобилов* жонбозлик кўрсатдилар.

Худудни ободонлаштириш ишлари ҳам зътибордан четда қолмади. Бош режа асосида асфальт йўл ва йўлаклар (стадион атрофидаги ва коттежлар олдидаги йўллар) куриш ишлари ҳам авж олиб кетди. Ушбу ишларни амалга оширишда яна Бухоро автомобил йўллари бошкармасининг бошлиги *Муродило Абдуллаевнинг* хизматлари катта бўлди.

Ўша даврда курилган ва янги раҳбар профессор *Муҳсин Ҳожиев* томонларидан мукаммал таъмирланиши ҳал этилган равон йўллар ва ўрнатилган сув лотоклари бугунги кунда ҳам институтимиз худудини ободончилиги ва кўкалазорлаштириш ишлари учун хизмат килмоқда.

## 9. ШОГИРДЛАР

Ўтган давр мобайнида Курилиш ашёлари ихтисослиги бўйича фан номзодлари, Саноат ва фуқаролик курилиши мутахассислнги бўйича курувчин-муҳандислар, Курилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар мутахассислиги бўйича магистрлар, Бинолар ва иншоотлар курилиши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашда бевосита раҳбарлик ва маслаҳатчилик вазифаларини бажариб, тўрт нафар фан номзоди, 400 дан ортиқ муҳандис шогирдлар етиштириш баҳтига мусассар бўлдим.

Улар жумласига Бухоро шаҳар ҳокими *Ҳайт Камиловни*, Фиждувон туман ҳокими *Баҳодир Зияевни*, “Ўзбекнефтегазстройинвест” ОАЖ раиси *Аваз Алимовни*, унинг ўринбосари *Шўҳрат Нажмиддиновни*, “Азия” хусусий корхонаси раҳбари *Ибрагим Аҳмедовни*, “Тошкентгазсаноаткурилиш” ОАЖ раиси *Усмон Ҳамроевни*, институт Архитектура-курилиш факултети декани, доцент *Шамсиддин Мирзаевни*, Бухоро ёгочни қайта ишлаш заводи директори *Шамси Норовни*, Бухоро автомобил йўллари бошкармаси бошлиги *Ўткир Жўнаевни*, “Бухороиқурилиш” ОАЖ раиси *Аҳад Амоновни*, вилоят ички ишлар бошкармаси бошлиқ ўринбосари *Тулқин Норовни*, Бухоро шаҳар архитектура ёдгорликларини таъмиrlаш корхонаси раҳбари *Садулло Ходжсаевни*, “Жамоакурилиш” ОАЖ раиси *Шамсиддин Ариповни*, “Ғарбгазтаъминот” унитар корхонаси бош муҳандиси *Ўқтам Абдиеvни*, Архитектура кафедраси доценти *Мурод Эғамбердиев-*



Талабаларга дарс үтиши жараёнидан лавҳа  
(2008 йил)



Битириүв мактавий ишлар ҳимоясидан сүнг ҳамкасб ва шогирдлар  
биглан (13.06.2011)



Наврұз айёмида шогирдлар дақрасида (23.03.2011 йыл)



Институтткің илк қалдирғочлари билан 30 йилдан кейинги учрашуудан лаңча (мен 2-қаторнинг ўртасида, 2011 йыл 14 май)

ни, Менежмент кафедраси доценти *Наим Кулевни*, Бинолар ва иншоотлар курилиши кафедраси катта ўқитувчилари *Суннат Хотамов*, *Азиз Ҳожиев* ва *Инъом Тожиевларни*, “Техпроектстройсервис” муассасаси раҳбари Эркин Астановни, Бухоро Темирйўлкурилиш корхонаси бошлиги *Тоҳир Рағшановни* сингари юзлаб шогирдларимни номларини келтириш мумкин.

Шунингдек, институт ўкув ишлари проректори, доцент *Хошим Рӯзиев*, Архитектура кафедраси мудири, доцент *Фарҳод Усмонов*, доцентлар *Муҳиддин Абдуллаев*, *Ҳасан Гаппаров*, *Ўқтам Сайдмуродовларга* институтда ўкув жараёнларини ташкил этиш ва йўлга қўйиш ишларida устоzlик килганлигим. Бухоро давлат университети проректори, профессор *Сиддиқ Каҳҳоровга* университетда аттестация ишларини йўлга қўйишда, Тошкент архитектура - курилиш институти ректори *Толиб Низомовга* илм йўлига дастлабки кадам ташлашга маслаҳатлар берганлигим ҳам айни ҳакиқатdir.

## 10. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ОИД МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. Техника фанлари доктори. “Дўстлик байробги” газетаси. 19.04.1996.
2. Ирмокларни туташтираётган уммон. “Бухоро ҳакиқати”. 16.03.1996.
3. Қанот берган орзулар. “Коммунистик мўл-қўлчилик учун”. 1982 йил, 10 ноябрь.
4. Курилиш соҳасида биринчи фан доктори. “Мухандис” газетаси. 1995 йил, сентябрь.
5. Эзгуликка интилиб яшайди инсон. “Ёш технолог” газетаси. 2002 йил, 31 январь.
6. Ходжиев М.Т., Мастонов К.Ҳ. “Бухоро озик-овқат ваенгил саноат технологияси институти. Ўтмиши, бугуни ва эртаси”. 28 - ва 98- 101-бетларда, Бухоро, 2008 йил.
7. “Бухоролик нуршунос олимлар”. И.Рахматов, К.Ботиров. “Бухоро” нашриёти, 2005 йил, 20- бет.
8. Архитектура-курилиш соҳасида олий таълимни янада такомиллаштириш. Ўзбекистон архитектураси ва курилиши. 2008, №2, 27- 28- бетлар.

9. "Бухоролик гелиофизик олимлар". И.Рахматов. Бухоро давлат университети, 2009 йил, 21-22-бетлар.

10. Механика тарихига оид қўлланма. Н.С.Бибутов, М.М.Муродов. 134-137 -бетлар. Бухоро, 2009 йил.

11. Профессору М.М.Вохидову 60 лет. "O'zbekiston arxitekturasi va qurilishi", Ташкент, 03. 2011.

12. Устозлар бизнинг фахримиз. Бухоро – 2011.

13. "Ёш технолог" газетаси. 2011 йил, июнь.

## 11. ҲАЁТИМ ВА ИШ ФАОЛИЯТИМДАГИ АСОСИЙ САНАЛАР

1951 йил 3 август. Ромитан тумани Усталар кишлогида тугилганман.

1968 йил 30 июнь. Ромитан туманидаги 1-ўрта мактабни битирдим.

1968 йил 25 август. Тошкент политехника институтининг Бухоро кечки умумтехника факультетига ўқишига кирдим.

1969 йил 16 ноябрь. Ҳарбий хизматта чакирилдим.

1971 йил 19 ноябрь. Ҳарбий хизматни тамомлаб, уйга кайтдим.

1971 йил 24 ноябрь. Бухоро кечки умумтехника факультетининг 2- курсига ўқишига тикландим.

1973 йил 30 июль. Политехника институтининг Тошкент шаҳридаги Саноат ва фуқаролик факультетига кундузги бўлимга ўқишига ўтдим.

1976 йил 5 июль. Институтни имтиёзли диплом билан битирдим.

1976 йил, 11 сентябрь. Тошкент политехника институтининг Бухоро филиалига Фуқаролик ва саноат бинолари архитектураси кафедрасига асистент лавозимига йўлланма билан ишга келдим.

1977 йил. Филиал қабул комиссиясининг масъул котиб муовини.

1977 йил 4 август. Сурайё Файзулаевнага уйланиб, оиласлик бўлдим.

1978 йил 10 сентябрь. Маҳкам ўғлим дунёга келиб, ота деган номга мусассар бўлдим.

1978 йил 16 ноябрь. Москва шаҳрига НИИЖБ нинг аспирантурасига ўқишига кирдим.

1980 йил 17 сентябрь Москвада, "Колонный зал дома союзов"да ЮНЕСКО томонидан нишонланган буюк олим - юртошимиз Абу Али Ибн Синонинг 1000 йиллик тантаналарида иштирок этдим.

- 1981** йил 24 ноябрь. Бухоро ООваЕСТИ ўкув бўлими бошлиги лавозимида иш бошладим.
- 1982** йил 1 апрель. Москва шаҳрида техника фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёкладим.
- 1983** йил 18 февраль. «Фуқаролик ва саноат бинолари архитектураси» кафедраси мудиrlигига конкурс асосида сайландим.
- 1983** йил. Институт қабул комиссиясининг маъсъул котиби.
- 1985** йил 3 июль. Инженер - техника факультети декани.
- 1985** йил 10 июль. Саноат ва фуқаролик бинолари архитектураси кафедраси доценти илмий унвонига тасдиқландим.
- 1988** йил октябрь. Институт партком секретари.
- 1994** йил 7 апрель. «Саноат ва граждан курилиши» кафедраси мудири лавозимида ишни давом эттирудим.
- 1995** йил 9 июнь. Докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим.
- 1997** йил 16 октябрь. Профессор илмий даражасига тасдиқландим.
- 1996 - 2001** йиллар. Институттинг аттестация ишлари бўйича проректори.
- 2001** йил. Институт қабул комиссиясининг маъсъул котиби.
- 2001** йил 31 май. Ректорликка тайинланиш масаласи бўйича Президент девонида давлат маслаҳатчиларининг сұхбатида бўлдим.
- 1996** йилдан ҳозиргача - «Бинолар ва иншоатлар курилиши» кафедраси мудири.
- 1997** йил 19 октябрда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Пойи Калон мейморий ансамблида үтказилган Президентимиз Ислом Каримов катнашган тантаналарнда иштирок этдим.
- 2002** йил 23 декабрь. Ислом неварам дунёга келиб, бобо деган номга мусассар бўлдим.
- 2011** йил 6 майда Бухоро маданий марказидаги вилоят давлат мусикали драма театрида бўлган Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон Республикаси Президентлари иштирокида бўлиб үтган икки мамлакат маданият ва санъат усталарининг қўшма концертида катнашдим.

## **12. АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР ВА КЕЛГУСИДАГИ МАҚСАДЛАР**

Оддий дехқон оиласида дунёга келиб, тарбия топдим. Ҳалол меҳнат билан ўсиб, кўхна ва бокий Бухорода, азим пойтахт Тошкентда, жаҳоннинг энг илғор фан марказларидан бири Москвада

билим олганлигимдан, архитектура-курилиш соҳасидаги илм сирларини мукаммал ўрганиб, унинг ҳакикий эгаларидан бўлиб етишганлигимдан, буюк ва мукаддас Ватанда, мустақил Ўзбекистонда яшаб, асрларга татигулик ишларни амалга ошираётган миллионлаб кишилардан бири бўлганлигимдан шукуроналар киламан. Бу ишни устида турган ота-онамдан, унга бош-кош бўлган атрофдагиларимдан миннатдорман.

Болалик ҷоғидан ўкишни ва меҳнатни севганлардан, ақлини танигандан бошлаб билим олишга ва илмга қизикканлардан бири бўлганлигимдан шукур киламан. Ўн беш ёшлигимдан далада меҳнат килишга киришиб кетганлигимни, политехника институтнинг Бухородаги кечки факультетига ўкишга кириб аъло баҳоларда ўқиганлигимни ҳамда кундузи танлаган бинокорлик йўналишим бўйича гишт терувчилик, бетончилик, сувокчилик, бўёқчилик, усталик қасбларини мукаммал эгаллаганлигимни, илмга қизикиб, политехника институтининг Тошкент шахридаги Саноат ва фукаролик факультетига ўкишга ўтганлигимни, у ерда Архитектура-курилиш соҳасининг етук олимларидан мукаммал билимларни олганлигимни, илм сирларини чукуррок ўрганиб, Киев, Баку сингари шаҳарларда нуфузли илмий-назарий конференцияларда мърузалар килиб, яхши натижалар билан қайтганлигимни доим эслаб юраман. Ўқувчи ва талаба ёшлар билан бўлган сұхбат ва учрашувларда бу ҳақда ҳам гапириб, уларни меҳнатсеварликка, чукур билим олишга, илмни севишига ундан келишни одат килганман.

Ҳаётда асли бутун, қалби тоза, соф, маданиятли, ўқимишли, оқила аёл бўлган умр йўлдошим Сурайёни учратганимдан, у билан турмуш курганимдан, колаверса тақдиримдан мингдан - минг розиман. Ҳалол меҳнат билан ўсиб, оиласминг тарбиясини олиб, мактабларда аъло баҳоларда ўқиб, нуфузли олий ўкув юртларида фахрли 1 - 3 - ўринларни эгаллаб биринчи курсга ўкишга кирган, имтиёзли дипломлар билан бакалавриатни, магистратурани битириб, фан номзодлиги диссертациясини ёклаб, бугунги кунда мустақил мамлакатимизнинг гуллаб - яшнаши йўлида кўплар қаторида туриб фаолият кўрсатаётган фарзандларимдан розиман, уларга кўз тегмасин, дейман.

Бухоро технология институти Фукаролик ва саноат бинолари архитектураси кафедрасининг мудири сифатида 1983 йилда иш бошлаганимда биргина ўзим кафедрада техника фанлари номзоди эдим. Раҳбарлик масъулиятини хис этиб, ўзининг архитектура

Ёдгорликлари, ноёб бинолари ва иншоотлари билан жаонга танилган ажойиб шахарлардан бирида яшаётганимни назарда тутиб, ватанимизнинг гуллаб - яшнаши йўлида ёш мутахассисларни ишга жалб килиш, уларни тарбиялаш ва илм йўлига бошлаш эвазида ижобий натижаларга эришганлигимдан, кафедрада архитектура-курилиш соҳасида катор олимлар етишириб чикарганимдан ва бугунги кунда уларни нафакат бошқа кафедраларда, балким факультет, колаверса институт микёсида раҳбарлик курсиларида масъулнят билан ишлатгандарни кўриб завкланаман, хаётда муносиб изим борлигидан мамнун бўламан. Кафедранинг изланишлар марказига, илмий мунозаралар ўчогига, масъул кадрлар етишириб берадиган масканга айланганлигидан хурсандман.

Яратилган кенг имкониятлар туфайли ватанимиз мустакиллиги даврида Бинолар ва иншоотлар курилиши кафедраси профессор - ўқитувчиларининг савиясини кескин ошишига эришилди. Фанлардан дарс бериш сифати ўси. Давлат тилидаги ўкув ва услубий адабиётлар таъминоти яхшиланди. Моддий-техник баъзаси ривожланди. Домлаларнинг яшаш шароитлари яхшиланди. Ватанимиз мустакиллигининг 20 йиллик юбилейи кунларига келиб, кафедрамиз оддий услубий кўрсатма ишлаб чикиш даражасидан ўсиб, архитектура - курилиш соҳаси ўкувчи ва талаба ёшлари учун катор дарслерлар, ўкув кўлланмалар, инновацион таълим технологиялари, рисолалар, монографиялар, меъёрий хужжатлар сингари адабиётлар яратиш марказига айланди. Улкан юбилей арафасида кафедрамиз профессор-ўқитувчилари томонларидан яратилган дарслер ва ўкув кўлланмалардан мамлакатимиздаги архитектура - курилиш институтлари ва факультетларининг талабалари, касб - хунар коллекцияларининг ўкувчилари фойдаланмоқдалар. Бу билан биз ҳар канча фахрлансак арзиди.

Етиширган шогирдларимиз ватанимизнинг турли бурчакларида, турли лавозимларда нафакат архитектура - курилиш соҳасида, балким бошқа тармок ва йўналишларда ҳам самарали меҳнат килмоқдалар, мамлакатимиз мустакиллигининг 20 йиллик юбилейини баланд рух ва кўтаринги кайфият билан кутиб олишга ҳозирлик курилаётир.

Буюк ва мукаддас ватанимиз мустакиллигининг 20 йиллик байрамини илмий-педагогик фаолиятдаги катор ютукларимиз билан кутиб олмоқдамиз. Ўйлаб қўйган эзгу максадларимиз, орзу - умидларимиз ва режалаштирган ишларимиз ҳали олдинда кўп. Мамлакатимиз ўкувчи ва талаба ёшлари учун архитектура-курилиш

соҳасида яна катор дарслклар ёзиш, соҳа олимлари ва фан ходимлари билан ҳамкорликни янада яхшилаш, инновацион таълим технологияларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграцияни кучайтириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаб бориш, талабаларга дарс ўтиш сифатини янада яхшилаш, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида дарс беришга ўтишни тұла таъминлаш, ватанимиз мустакиллігінін янада мустаҳкамлашда үз хиссасини күшадиган муносиб мутахассис шогирлар тайёрлаш каби бажараётган ишларимиз ана шулар жумласидандир.

*Бутун умрим тайёргарлықдир,  
ҳали құпдири битімаган ишии,  
Англанмади ҳозирча күп сир,  
ҳали вүжуд ичіда ишкүн.  
Йылдырымдай лаңза сувратин  
яширинча аспар ёдымда.  
Мени бор ҳам йүқ қыладыған  
лаңза порлаб тұрап олдинда.*

*Шавкат Раҳмон*

### 13. ФИКРНОМАЛАР

*Математика кафедраси мудири, физика-математика  
ғаллари доктори, профессор Исмоил Сафаров:*

- Менинг Мубин Вөхидов билан танишишим 1983 шілдан бойшынан. Мубин ака Қабул комиссиясынинг мастьул котиби, мен эса у кишига ёрдағы әдім. Шуны айтшишим керакки, Мубин ака бағри кенг, одамдарга фақат яхшилікни раво күрүвчи инсондир. Мен шүнгә үхашаш итиқ ғаптарни у кишининг рафиқатари Сурайё Файзұлтаевна тұғрисида ҳам билдирсам айни ҳақиқат бұлади. Катыйшыл, тұғри сұзлік, үз фикрини исботлаб бериш каби хусусияттар Мубин ақага хосдир.

1991 шілден бері Мубин ака билан илмий ҳамкорлық қытиб келаман. Шуни алохыда таъқидлаб ўтиш керакки, Мубин ака муаммони құйиши, нағыжасаларни таҳтап қышии борасида энг илгор олимпіардан. У киши нағақат архитектура-құрылыш илмини, бағыт математик моделлаштириши нағыжасида ҳосил бұлған

маслаҳатарни ҳам чуқур тағлил этилди оладиган йирик олимдир. Менинг кўпілаб шогирдларим у кишидан ҳам маслаҳат олиб турадилар. Профессор М.М.Воҳидовни ҳеч иккита май Бухородан чиққан буюк агломатар сирасига киритса түгри бўлади.

**Тошкент архитектура-қурилиш институтини ректори,  
архитектура номзоди Толиб Низомов:**

- Профессор Мубин Воҳидов мени Тошкент архитектура-қурилиш институтига ректор бўлишинига сабабчи бўлган инсонлардан бири ҳисобланади. 1980 йилда Москваага "ЦНИИЭПЖ итифа"га мутахассислигим бўйича малака оширишга борганимда "НИИЖБ" нинг аспиранти бўлиб юрган ҳамشاҳри Мубин Воҳидов мени вакътдан самарали фойдаланиб, илмий раҳбар топиш ва номзодлик диссертацияси устида иш бошлашга ундалади... У кишининг қўниматли маслаҳатлари мени фан номзоди бўлиб етишинига сабабчи бўлди.... Вакътлар ўтди, 2009 йилда мени Бухоро вилоят бош архитектори лавозимига ишига олиши. Ўша пайтда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ректорлик лавозими вакант бўлиб қолган экан. Бу жойга илмий даражага эга бўлган вилоятлар бош архитекторларидан бирини тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлган. Мен ана шундай талабга жавоб берувчи вилоят бош архитектори бўлиб чиқдим. Шу сабаб мени Тошкент архитектура-қурилиш институтига ректор этиб тайинлашди... (Тошкент шаҳри, ҳамкасб олимлар сұхбати, 2010 йил, октябрь).

**Техника фанлари номзоди, доцент Қамбаради Содиков:**

- Мен Мубин Муминович билан Москва шаҳрида аспирантлар уйида З йил бир хонада турганман. У қобишияти, ўткир истеъододи, илмга чанқоқлиги, меҳнатсеварлиги ва бошқа бир қатор хислатлари билан бошқалардан ажратиб турарди. Номзодлик диссертацияларини бирга бошлаган бўлсанда, у киши ўз илмий ишини иккинчи йилнинг бошларидаёт тайёрлаб қўйган эди...

**Бухоро юридик ва майший ҳизмат касб-хунар коллеҷи  
директори, иқтисод фанлари номзоди, доцент Гултруҳ Ҳасанова:**

"Акч-заковат, дунёқарашиб, таълим-тарбия, илми эъзозлаш, йирик мутахассис бўлиши, ёмонликни яхшилик билан бартараф қила олиш, меҳнатсеварлик, сабр-қаноатлилик, самимийлик, камтаришлик каби хислатлар инсонни сермазмун қиласади.

*Устозим, профессор Мубин Воҳидовда ана шу хислатларнинг барчаси мужассамлашган. У киши ишм чўққасини забт этган йирик олимиларданdir.*

*Мубин Мўминовичга қачон мурожсаат қўлсам ҳам, қимматли вақтларини аямайдилар. Ҳар қандай муаммони чўқур таҳлил қилиб, тўғри маслаҳат берадилар. Маслаҳатлари бир қарашда оддий туюлса-да, алмо у, ҳар доим, энг тўғри ва энг маъқул ечим бўлиб чиқади. Раҳматли ойим ҳам у кишини кўп ҳурмат қиласардилар... Ўғиз укам бўлганида ҳам бунчалик меҳрибон ва бунчалик бағри кенг бўлмасди бағи-дердилар. Илоҳим тупроқ олса зарга айлансин, деб дуо қиласардилар. Менинг ҳаётда ўз ўрнимни топишимида, шу даражага етишишимда ҳаётдаги устозим Мубин Воҳидовнинг хизматлари гоят каттадир. У киши мен учун идеал инсондир.*

*Мубин Мўминович авваламбор ҳаётга ҳар доим шукур қиласиган инсонлардан. Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг "Кафисизликдан малул бўлмагил, оёқсизларга боқиб, шукур қил" (яъни ковушингнинг йўқлигидан ўксима, оёғи йўқларга қараб шукур қил), - деган ҳикматли сўзлари эсимга тушди. Ҳаётда тушкунликларга учраган вақтларимда ҳар доим, ҳар қандай ҳолатда ҳам шукур қиласин, ношукурчилик қиласа, - деган сўзлари менга даіда бериб келган ва ҳаётга чанқоқлик билан қарашга ундалан.*

*Буюк соҳибқирион Амир Темурнинг "Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", - деган фикрлари ҳаётдаги устозим Мубин Мўминовичга ҳам тегишили десам ҳато бўлмайди. Мен у кишини нафақат устоз, балкин ота ўрнида ҳам кўраман ва ниҳоятда ҳурмат қиласман".*

*2001 йил 31 майда Бухоро технология институти  
ректорлигига тавсия этилганимда жамоа раҳбарлари ва  
профессор-ўқитувчиларининг Ўзбекистон Республикаси  
Президент девонига билдирган фикр-мулоҳазалари*

**1. Бухоро технология институти ўқув ишлари проректори,  
техника факултари номзоди, доцент Ҳошим Рўзиев:**

*Профессор Мубин Воҳидов ўз кучи ва қобилиятини итмий кадрлар таҳиёрлашга, ўқув жараёнини юксалтиришига багишлаган жонкуяр фидоий инсон...*

*Күриши соҳасида илмий йўналишига ва мактабига эга йирик олим. У киши қаруқ иссиқ иқтим шароити учун яратилган бир қанча янгиликлар ва меъёрий ҳужжатлар муаллифидир.... М.М.Воҳидов меҳнатсевар, ишчан, юксак қобилияти, маданияти, жамоа фикрини ўрганивчи, қатъияти раҳбар ҳаидир...*

**2. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича I- проректор, фалсафа факлари номзоди, доцент Каромат Мастонов:**

*Профессор М.М.Воҳидов барча лавозимларда вижданан фаолият курсатиб келмоқда. Институт хаётини, ўқув, ташкилий, тарбиявий соҳаларини мукаммат билади...*

*М.М.Воҳидов давр билан хамқадам юрадиган, жаҳон янгиликларидан хабардор, таълим, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган истлоҳотларнинг фаол иштирокчиси ва таргиботчиси ҳаидир...*

**3. Архитектура-күриши факультети декани, техника факлари номзоди, доцент Шамсиддин Мирзаев:**

*- ...Профессор Мубин Воҳидов иш фаолияти давомида ассистент, доцент, кафедра мудири, факультет декани, институт партком секретари, аттестация ишлари бўйича проректор лавозимларида ишлаган. У киши йирик олим, моҳир устоз ва тарабчан раҳбар сифатида жамоамиз орасида яхши танилган...*

*Устозим профессор Мубин Воҳидов илмий ишлари билан қўриши тармоғини ривожлантириш, янги технологиялар билан бойитиш йўлида салмоқли ҳиссаса қўшиб келаётган етук олим сифатида Республикамизда яхши танилган...*

*М.М.Воҳидов яхши оила сардори, меҳнатсевар, тарабчан, қатъияти, маданияти, ҳақиқат йўлида курашувчан, катта энергияга ва мукаммат билимларга эга булган мутахассис ва таниқчи олим ...*

**4. “Касбий таълими” факультети декани, техника факлари номзоди, доцент Сайфулло Мусаев:**

*- ...Профессор М.М.Воҳидов ақт - заковат, билимдонлик тараб этиладиган ҳар қандай ишда ўзини курсата олади ва дадиллик билан ҳаракат қиласади. У ташаббускор, журъатли, тўғри сўз, маънавий етук шахс ва йирик олим...*

**5. "Нефт ва газ иши" кафедраси мудири,  
күмбө фанатари доктори Ҳамро Дустов:**

- ...Үз соҳасининг билимдон мутахассиси, етук олим ва тарабчан педагог сифатида жамоамиизда катта ҳурматга эга. Кўплаб ўқув адабиётлари, монографиялар ва илмий мақолаларнинг муаллифи. Кобижиятли, тарабчан, ўз устида ишлайдиган ва кўзланган мақсад сари интигувчи инсон сифатида у киши яхши танилган...

...профессор М.М.Воҳидовни вазифаларига жиддий ёндошадиган, масъулиятли ишларни тараб даражасида бажара оладиган раҳбар ва йирик олим сифатида тавсифлайман.

**Бухоро тиббиёт институтининг Фармакология ва клиник  
фармакология кафедраси катта ўқитувчи, рафиқам**

**Сурайё Ҳасанова:**

"Мубин Мўминович юзларида доимо самишчият уфуриб турган зуцко, зийрак, меҳрибон, ўта маданиятли инсон. У доимо янгиликка интилиб, янгилик яратиб, янгиликлардан завқ олиб, уларни ҳаётга тадбиқ этадиган олим. Атрофидаги инсонларни ҳаракатга келтириб, уларни ишга жаён эта биладиган, ташкилотчи. Юрган, ўтирган, ишлайдиган ерида қандайдир сеҳрли, орасла излари қоладиган инсон. Қалби доимо яхшиликларга лиммо – лим. Қарашларидан одамнинг дили равшан тортиди. Гаплашганда ҳаётнинг турли соҳалари ҳақидаги теран фикрлари одамни жўшиб яшашига, унумли ижодга ундайди. Унинг олдида бўлганингда соатлар қандай ўтиб қолишини сезмайсан. Ёнидан бир зум кетгим келмайди. Муаммоларни зум ўтмай осон ечиши ақтимни лол этади. Унга ҳавас қиламан.

Шу уринда умр ўйлодошимнинг ўзига хос хислатларидан бирини эслатиб ўтмоқчиман. Отам 1959 йилда оламдан ўтганларидан кейин, онам раҳматли ҳаётда қўп зарбаларга дуч келганлар. Щуролар даврида мажбуран даҳрийчасига дағн этилган дадамни эслаб у киши азият чекардилар. Биз қизлар фақат йиги-сиги қўлардик, аммо онамга амалий кўмак бера олмас эдик. Тушқунлик сабабли онам оғир касалга учрадилар...

Орадан 28 йил ўтган бўлсада, Мубин Мўминович узоқ Хайрободчадиги қабристонда дағн этилган отамнинг жасадларини "гроб"дан олиб. Ромитандаги Ҳиндувон қабристонига мусулмончилик расм русларини бажо келтирган ҳолда қайта дағн этилар. Отамга қабр тош қўйдилар. Қабр тошига марсия сузларини

битетилар. Үша куни раҳматлии дадам учун қурон сураларидан ўқилди. Онамнинг опаларимнинг йиги фигонлари, турмуш ўртогимнинг қилган дуо жонлари одамларни ҳайратга солди. Одамлар бу ишни күриб ҳайратда қолди, ҳамма у кишига таҳсиллар айтди. Үшанда мактаб директоримиз Журабой Бобопиров: "Мубинни иқтидори баланд олим деб билардим, аммо у довюрак, жасур инсон ҳам экан", - дедилар. Чунки, шўролар даврида партия аъзоси учун бундай ишни бажариш чинакам қаҳрамонлик эди. Одамлардан партия билети алиниши ва ишдан ҳайдалиш мумкин эди. Олим бўлиши осону, одам бўлиши қийин, деган гап бор. Мубин Воҳидов ҳаётда аввал беқиёс, асл инсону, кейин қомусий олимдирлар. Шундай умр ўйлдошим борлигидан фахрланаман. Мубин Муминовичга узоқ умр, баракали ижод тилтайман".



Турмуш ўртогим Сурайё Файзулаевна 55 ёшда (Бухоро, 2009)

Дарёдай мавжланиб кечади умрим  
Балиги, қайиғи, тўлқини билан.  
Саҳродай ташнага кечади умрим  
Бурони, армони, чақини билан.  
Мен кечиб ўтарман оқин дунёни  
Дунёдек ранго-ранг ҳисларим билан.

Тилак Жура

## СҮНГГИ СҮЗ ҮРНИДА

Яхши ният билан ундирилган ҳар қандай экин ёки ўтқазилган ниҳол парваришиң ривожланана олмайды ва күтилган нағизағарни беравермайды. Шундай экан, дүнёга келган ҳар бир инсон ҳам таълим ва тарбиясиз комил инсон бўла олмайды. Бу ҳаёт фалсафасидир. Матъумки, фақат самарали таълим ва тарбия орқали давлат ва жамиятга фойда келтира оладиган, ўз манбаатини жамият манбаати билан уйғун ҳолда курадиган, қолаверса жамият манбаатини ўз манбаатидан ҳам устун кўя оладиган инсонларни тарбиялаш мумкин. Бу эса жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазмунидан кўринадики, ушбу китобда ана шу йўсунда тарбия топиб ва таълим олиб, ўсиб - улгайган оддий меҳнаткаш ўзбек оиласининг фарзанди Мубин Воҳидовнинг ҳаёт ўйли тўгерисида ҳикоя қилинади.

Мубин Мўминович юксак маънавиятли, самимийлик ва инсонийлик фазилатларини юқори дараҷада ўзида намоён этган, қатби соф инсон. У киши ёшлигарни ҳаётдаги муаммоли вазиятларда ақл билан иш тутишига, қатъий қарор қабул қилиб, ҳеч иккитаңмасдан мақсад сари ҳаракат қилишига ундаидиган, уларга тўғри ўйл кўрсатадиган буюк устоз. Мубин ака дўстларини, ҳамкасларини, талабаларни, борингки, барча инсонларни табассум билан қаршилайдиган, уларга доимо кўмаклашадиган ва ютуқларидан қувонадиган фазилатга эга қалб згасидир.

Рисоланинг асосий мазмунини профессор Мубин Воҳидовнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, унинг шажараси, тақдир ўйли, оиласи ва фарзандлари, ёшик даври, илм ҳаллаш учун тинимисиз изланишлари, машақатли меҳнатлари, илмий - педагогик фаолияти, ҳамкаслари билан ҳамкорлиги, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишлари, яратган илмий ва илмий - услубий ишлари, бинокорлик ачалиётига берган тавсиялари, тайёрлаган ва нашр эттирган дарсликлари, ўқув қўлтанима ва монографиялари, тармоқ таълим йўналиши мoddий-техника базасини ривожлантиришга қўшиган ҳиссаси, жамоанинг ижтимоий масалаларига бўлган эътибори, шогирдлари, илмий-педагогик фаолиятига тегишини матбуот материаллари, ҳаёт ва меҳнат фаолиятдаги асосий саналарга оид материаллар ташкил этади.

Китобнинг мазмунини таълил этар экансиз, ундан ота-онага, фарзандларга, қавм-қариндоштарга, устозу-шогирдларга, меҳнат жамоасига, ҳамкасларга, атрофдагиларга, барча азиз инсонларга,

қолаверса юртга, она Ватанга бўлган садоқатини, эътиборини, чукур иззат -ҳурматини ҳис этиш мумкин.

Китобда ҳавола этитган лавҳаиар бадиий тўқималар бўлмай, айни ҳақиқатдир ва улар муаллифнинг ҳаёт йўли, кўп ишилик педагогик ва илмий тажрибалиари асосида ёзилган.

“Ҳаётим мазмуни” китобхонларни нафақат Бухоро воҳасидан етишиб чиқсан архитектура ва қурилиш соҳасидаги биринчи фан доктори, профессор Мубин Воҳидовнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти билан танишиширади, шунингдек у ёшларни ўқиши ва меҳнатни севишга, ота-оналари, қавм-қариндошлари, ёрубиродарлари, атрофдагиларини ҳурмат қилишга, эл-юртга, Ватанга садоқатли бўлишга, унинг дарди билан яшашга ундаиди. Демак, ушбу рисола ёшларни буюк ва мукаддас Ватанимизни янада гуллаб-яшнаши йўлида қадам ташлашга ўз ҳиссасини қўшади, уларни эзгу мақсадлар сари етаклашга кўмаклашади. Хулоса қилиб айтганда, ёшларга таълим ва тарбия беришда, уларни меҳнатсеварликка, ватанпарварликка ўрганишида ушбу китобнинг аҳамияти беқиёсdir.

Қаҳрамон Олимов  
институт проректори,  
педагогика фанлари доктори, профессор

Токи мавжуд экан бу юрак, бу тан,  
Бурчим-сенга хизмат қўймоқчилик Ватан!  
Шу юртда тугилдим, ўсдим, топдим шаън,  
Ҳаётим мазмуни - илму-одоб, фан!

Фарзандлар камоли камолимдадир,  
Ёлғон яшамадим, Яшаяпчан чин!  
Барча саодатгик съмолимдадир,  
Бир Мўминнинг ўғли, мен ўша -Мубин!

Дунёдек бир жаҳон орзуларим бор,  
Қайдиргочлар тўлар осмонларимга!  
Мен ҳам доим сафда, мен ҳам бир тиргак,  
Ҳурликини асрорчи посбонлағимга!

Қўлим мудом Ишда, қалбимда-чи, Ёр,  
Барча шодмонлигим шу юртга оид!  
Ҳаётим мазмуни – Садоқат ва Ор,  
Деб, имзо чекувчи мен Мубин Воҳид!!!

## МУНДАРИЖА

Камолот ичра кўзгу.....	3
Муқаддима.....	7
1. Авлодлар карвони.....	10
2. Тақдир инъоми.....	24
3. Фарзандларим камоли.....	33
4. Ёшлик йилларим.....	46
4.1. Тошкентдаги талабалик даврим.....	50
4.2. Илмий-тадқиқчилик ишларини шаклланиши.....	55
4.3. Ҳаётга йўлланма.....	60
5. Фан сўмокларида.....	62
6. Илмий-педагогик фаолиятим.....	67
6.1. Илмий-тадқиқот ишларининг кискача мазмуни.....	70
6.2. Ҳамкорлик алокалари.....	80
6.3. Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш.....	90
6.4. Яратилган илмий ва илмий-услубий ишлар.....	92
6.4.1.Илмий ишларнинг йиллар бўйича рўйхати.....	92
6.4.2. Илмий-услубий ишларнинг йиллар бўйича рўйхати.....	109
6.5. Биноларнинг техник холатига берилган хуносалар.....	116
6.6. Тайёрланган дарслик, ўкув кўлланма ва монографиялар.....	119
7. Кафедра моддий-техника базасини ривожлантириш.....	128
8. Ижтимоий масалаларга зътибор.....	129
9. Шогирдлар.....	133
10. Илмий-педагогик фаолиятта оид матбуот материаллари.....	136
11. Ҳаётим ва иш фаолиятимдаги асосий саналар.....	137
12. Асосий хуносалар ва келгусидаги максадлар.....	138
13.Фикрномалар.....	141
Сунгти сўз ўрнида.....	147

Техника фанлари доктори, профессор  
*Воҳидов Мубин Мўминович*

***Ҳаётим мазмуни***  
(Меъморчилик - қурилиш илмига  
бағишиланган ҳаёт йўли)

Масъул мухаррир: *Исмоил Сафаров*  
Мухаррир: *Исроил Субҳоний*  
Техник мухаррир: *Назиржон Тўраев*  
Саҳифаловчи: *Матюба Ҳамроева*

«Бухоро» нашриёти. Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 27-й.

Бичими: 60x84 /  
<sub>16</sub> «Times New Roman» гарнитурасида  
офсет босма усулида босилди. 9,5 шарт. б.т.  
7,6 ҳисоб-нашр т. Адади 150 нусха. 114-сон буюртма.  
Баҳоси келишилган нархда.

«STANDART-POLIGRAF»  
Хусусий ишлаб чиқариш корхонасида чоп этилди:  
Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-й  
Тел. 223-47-08

